O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

2010-YIL — BARKAMOL AVLOD YILI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 6-yanvar, chorshanba № 1 (8234) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ислом КАРИМОВ

Юртимизда билимли, иқтидорли ёшлар кўп. Улар жамиятда ҳам ўз ўрнига эга. Зеро, ёшларимиз шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатимизнинг фаол аъзоларига айланиб боришаётир. Фаол, юксак салоҳиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорини намойиш этиш учун зарур шарт-шароит яратиш борасида бугун ҳар бир таълим муассасаларида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётир.

УМИДЛИ ЁШЛАР КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Хусусан, Гулистон давлат университети раҳбарияти ҳам жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иқтидорли, жамоат ишларида фаол ва етакчи талаба-ёшларнинг қишки таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда «Камолот — келажак таянчи» қишки фаоллар мактабини ташкил этиб келаётгани эътиборлидир.

Бешинчи марта ташкиллаштирилаётган навбатдаги қишки фаоллар мактаби аъзолари бу гал Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Ботаника» санаторийсида тўпланишди.

Айни пайтда у ерда университетнинг 60 нафардан зиёд иқтидорли ва умидли ёшлари турли хил машғулотлар, семинар-тренинглар ва лойиҳа муҳокамаларида иштирок этмоқда.

Қишки фаоллар мактабининг иш дастурига кўра талабалар республикамизнинг Давлат ва фан арбоблари, санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар, таниқли кишилар билан учрашадилар. Уларнинг меҳнат фаолиятлари билан танишишади. Фан, маданият, ишлаб чиқариш соҳалари илғор вакилларининг жамиятда бўлаётган ислоҳотларга муносабатларини ўрганиб, замонавий раҳбар, етакчи, сардор қандай бўлиши кераклиги тўғрисида баҳслашишади. Гуруҳлар ўртасида ўтказиладиган қизиқарли мусобақа ва танловлар эса мактаб ишига ўзгача файз бағишлайди. Шунингдек, мактаб аъзолари Тошкент шаҳрининг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойлари ҳамда бир қатор ташкилотларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгашида бўлиб, у ердаги қизғин фаолият билан танишадилар.

Шерали НАМОЗОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Jarayon

ТАЪТИЛЖИНГ ТОТЛИ ОҲЛАРИ

Qishki ta'til

Серқуёш юртимизнинг бу йилги қиш фасли илиқ кунлар билан бошланди. Гарчи паға-паға ёғувчи оппоқ қор, завқли қорбўронлар бўлмаса-да, Мустақиллик майдонидаги улкан арча атрофидаги шодиёналар болажонларни қувонтирмоқда. Таътилдаги болалар буваю бувижонлари, ўқувчилар устозлари билан қувнаб юрган майдонда куй-қўшиқлар янграб, эртак қаҳрамонлари давраси кенгаймоқда.

— Набирам Жавоҳир Абдуҳакимов Ҳамза туманидаги 307-мактабда ўқийди, — дейди Муяссархон Абдуллаева. — Таътил кунлари бўлгани учун ўзим уни Мустақиллик майдонига олиб келдим. Амир Темур хиёбонини, янгидан бунёд этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини кўриб, кўзларимиз қувонди. Набираларим ҳам шундай гўзал юртга муносиб фарзанд бўлсин, деб дуо қилдим.

Янги йил байрами тантаналари нафақат Мустақиллик майдонида, балки Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида ҳам кўтаринки кайфиятда ўтмоқда.

— Ўғилларим Ҳамидхон, Темурхон ва Азизхон Қибрай туманидаги 33-мактабнинг фаол, аълочи ўқувчиларидан, — дейди Нилуфар Ҳамидхонова. — Ҳозир «Зумрад ва Қиммат» эртаги асосида тайёрланган балетни томоша қилиб келаяпмиз. Спектаклдан сўнг «Шарқ зиёкори» китоб дўконига кириб, фарзандларимга янги алифбодаги «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Одам амфибия» каби китобларни совға қилиб олиб бердим. Таътил тугагунча ўқиб, таассуротларини сўзлаб беришади.

(Давоми 4-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ИЛМ ҚУДРАТИ БУНЁДКОРЛИКДА — 3-бет

МАЪНАН ЮКСАКЛИК — БАРКАМОЛЛИК ШАРТИ — 5–7-бетлар

75 ДОЛЛАРЛИК НОУТБУКЛАР — 13-бет

Xat — ko'ngil oynasi, deyishadi. Shu ma'noda, tahririyatga kelgan har bir maqola, har bir xat sinchiklab o'qib chiqiladi, muhokamadan o'tkaziladi, eng saralari chop etilishga tavsiya etiladi.

Ma'rifat — 2010-yil 6-yanvar

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11- ва 48-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Бир депутатлик мандати учун 99та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди.

Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчининг фамилияси киритилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

Овоз беришда сайловчиларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 90,9 фоизи, Андижон вилоятида – 88,9 фоизи, Бухоро вилоятида – 87,1 фоизи, Жиззах вилоятида – 89,8 фоизи, Навоий вилоятида – 88,3 фоизи, Наманган вилоятида – 87,4 фоизи, Самарқанд вилоятида – 89,3 фоизи, Сирдарё вилоятида – 91,4 фоизи, Сурхондарё вилоятида – 89,1 фоизи, Тошкент вилоятида – 88,1 фоизи, Фарғона вилоятида – 85,8 фоизи, Хоразм вилоятида – 88,3 фоизи, Қашқадарё вилоятида – 88,1 фоизи, Тошкент шаҳрида – 81,9 фоизи иштирок этди.

Овоз беришда барча 135та сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва сайлов қонунчилигига мувофиқ уларда сайлов ўтган, деб ҳисобланади. Овоз бериш натижаларига кўра, 96та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 33 нафари — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 25 нафари — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан, 22 нафари — Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 16 нафари – Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан. Сайланган 96 нафар депутатнинг 19 нафари ёки 19,8 фоизи хотин-қизлардир.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2009 йил 30 декабрь куни мазкур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинади.

(ЎзА)

Munosabat

ЭЗГУ МАҚСАДГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Муҳтарам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаси қалбимни ғурурга тўлдирди, ўз-ўзимга ишончим, талабчанлигимни яна бир карра оширгандай бўлди. Не бахтки. мамлакатимизда ёшлар тарбияси энг улуғ мақсад даражасига кўтарилган.

Мен педагоглар оиласида вояга етдим. Эсимни танибманки, онам Клара Турсунназарованинг бутун борлиғи билан мактаб ишига жонкуярлик кўрсатишларига гувоҳ бўлдим. У киши айниқса ўқувчилари тарбиясига катта эътибор қаратар, «Одоб-ахлоқ гўзал бўлсагина таълимда самара бўлмоғи мумкин...», дея кўп такрорлардилар. Кейинги йилларда онамнинг ишга муносабатларида янада жўшқинлик кўргандек бўламан. Гарчанд ўзига яраша тажриба тўплаган бўлса-да, тинимсиз ўқиш, изланишдан ҳеч толиқмайди. «...Бугунги таълим тизимидаги ислоҳотлар, устоз зотига кўрсатилаётган иззат-икромга муносиб бўлмаслик мумкин эмас», дея кўп таъкидлайди онам. Мана, онажонимнинг ортидан бориб ўқитувчи бўлишни ният қилиб, олий даргоҳ эшигини қоқдим. Талабалик заҳматлари, завқ-шавқлари билан яшаяпман. Институтимизда яратилган шарт-шароитлар, мураббийларимизнинг фидойиликлари билан ҳаётий қарашларимиз кенгаймоқда, педагоглик касбининг сир-синоатларини ўрганишга ҳаракат қиляпмиз. Айниқса устозим Ўролбой Ориповнинг ўгитлари, мароқли сабоқларини тинглаб, ўқитувчилик нақадар шарафли касб эканлигини теранроқ англагандек бўламан. Масъуллик юки орта боради.

Бугун Президентимизнинг маърузалари матнини қайта-қайта ўқир эканман, юрт раҳбарининг ғамхўрликларига жавобан фақат биз ёшлардан муносиб яшамоқ талаб этилади, деган иқрорга келдим. Шундагина биз азалий ўзбекона қадриятларимизга содиқ қолган, меҳрга меҳр, муҳаббатга муҳаббат билан жавоб қайтармоққа қодир фарзандлар бўла оламиз.

Элвира ТУРСУННАЗАРОВА,
Навоий давлат педагогика институтининг хорижий тиллар факультети талабаси

ВАҚТ ҚАДРИ

Ассалому алайкум, қадрдон муштарий! Янги йил бошланди. Демак, яна янги куч-ғайрат билан турфа режа ва мақсадлар ўй-хаёлимизни чулғаётгани рост. Зеро, орзу-ҳавасли эл доимо юксак чўққиларни кўзлаб яшайди. Аслида ўтган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» режа-дастурларини бажара туриб ҳам «Баркамол авлод йили»га пойдевор қўйган эмасмидик?!

Юртимизда ҳар бир йилни ўзига хос номлаш асосида жамиятимизнинг қайсидир соҳасида кенг қамровли бунёдкорлик ишларини бажариш анъанага айланди. Шу маънода, Халқ таълими вазирлиги тизимида ҳам ҳар бир ўқув йилида соҳанинг қайсидир жиҳатига алоҳида урғу бериш асосида кўламдор вазифаларни уддалаш режаси амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Табиийки, бу жараён газетамиз саҳифаларида ҳам аксини топиб боряпти.

2009 йилни сарҳисоб қилар эканмиз, беихтиёр ана шу номланишлар асосида газетамиз мазмун-мундарижасида ҳам қатор янги рукн ва мавзулар юзага келганини кузатиш мумкин. Хабарингиз бор: 2008-2009 ўқув йили халқ таълими тизимида «Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили», дея номланди. Шунга мос равишда газета саҳифаларида ҳам ижодий фаолликни қўллаб-қувватловчи рукнлар остида туркум материаллар эълон қилинди. Энг аввало, таъкидлаш жоизки, ушбу йилда ҳам илғор ўқитувчиларнинг дарс ўтишдаги ўзига хос янги услубларини кенг тарғиб этувчи, йиллар синовидан ўтган «Bir soatlik dars», «Sinab ko'ring», «Dolzarb mavzu», «O'qituvchiga yordam» сингари рунклар ўқитувчи-педагоглар эътиборидан тушмади.

Халқ таълими тизимида ҳар бир ойни муайян фанга бағишлаш анъанага айланиб қолган. Бу жараён, унинг самара ва ютуқлари ҳам газета саҳифаларида доимий ёритилишига ҳаракат қилинди.

2009 йилнинг Юртбошимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши муносабати билан таҳририятимизнинг *Умумий ўрта ва мактабгача таълим янгиликлари бўлими* бир неча янги рукнлар ташкил этди. Хусусан, 2009 йил 5 январда чоп этилган Ойбуви Очилованинг «Яшасак, Ватан деб яшайлик» мақоласи билан «Qishloq taraqqiyotida muallimning hissasi» янги рукни бошланди. Йўлдош Асадов муаллифлигидаги «Соғлом муҳит — муваффақиятлар омили» мақоласи (28 февраль) «2008—2009-o'quv yili — ta'lim muassasalarida ijodiy muhitni rivojlantirish o'quv yili» рукни остида берилиб, бундай номланишнинг мақсад-моҳияти, эришилган натижа ва хулосалар кенг таҳлил этилди.

2009—2010 ўқув йили таълим-тарбияда бугуннинг долзарб мавзусига айланган ўқувчининг маънавий баркамоллиги масаласига қаратилмоқда. «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили», дея номланган жорий ўқув мавсуми бошланиши биланоқ унинг моҳиятини кенг ўқитувчилар оммасига етказишга қаратилган Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков билан «Маънавият — келажак пойдевори» мавзусида суҳбат эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, ўқув йили бошидан алоҳида рукн асосида жойларда олиб борилаётган бу борадаги ишлар энг долзарб мавзуга айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди.

2010 йилда ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келаётган мавзуларни давом эттирган ҳолда, бир қатор янги рукнларни ҳам ташкил этишни режалаштирдик. Табиийки, улар аввало, «Баркамол авлод йили» билан боғлиқ бўлади. «Пойдор пойдевор» рукнида эл таниган, баркамоллик сари интилаётган юртдошларимиз ҳаётида мактаб сабоқларининг аҳамияти, устозлар ўгити, меҳри нечоғлик ўрин тутгани ҳақида мақолалар тайёрланиши режалаштирилмоқда. Қолаверса, «G'alabaning siri nimada?» рукни остида ўзига хос муваффақиятларни қўлга киритаётган таълим даргоҳларининг бошқаларга ибрат бўлгулик тажрибалари, мактаб бошқаруви (менежмент)даги янгиликлар хусусида материаллар тайёрлашни ният қиляпмиз.

Маънавият ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими томонидан ҳам 2009 йилда "АРМ методистларига ёрдам" рукни ташкил этилиб, куннинг долзарб мавзулари кўтарилганини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу рукнларда "АРМ фаолиятидаги муҳим омиллар" (4.03.2009), "АРМ директор муовини: унинг вазифалари нималардан иборат?" (13.05. 2009), "Мактаб кутубхонаси ва кутубхоначиси: у қандай бўлиши керак?" (24.10.2009), сарлавҳали мақолалар чоп этилди.

Шунингдек, "Сизга гапим бор", "Белбоғи бор бола" рукнлари ҳам давом эттирилиб, кўплаб хатлар ва акс-садолар олинди. Ушбу рукнлар остида "Ўқувчингиз ўғирлик қилса", "Мактабингиздаги тадбирларни кенгашасизми?", "Хатолардан хулоса чиқарасизми?" сарлавҳали мақолалар газетанинг фасл танловида ҳам турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган.

Жорий йилда қўшимча равишда ўқувчиларнинг тиббий, жисмоний ва маънавий соғломлигига хизмат қилувчи "Баркамоллик сирлари" рукнини ташкил этмоқчимиз. Унда ўқувчи-талабаларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, касб-ҳунар сирларини мукаммал ўрганишида тарбиянинг нозик жиҳатлари хусусидаги мутахассис маслаҳатлари ўрин олиши назарда тутилмоқда.

Вақт доимо қадрли. Унинг бебаҳолиги, айниқса, етуклик остонасида турган йигит-қизларга янада билинади. Зеро, энди улар кенг мушоҳадага эга бўлиб, имкон қадар кўп нарса билиш ва ўрганишга эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан, *Фан, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими янгиликлари бўлими* журналистлари юртимиз фан, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кечаётган ислоҳотлар, ёшларимизнинг яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, катта-катта ютуқларга эришаётганини ибрат сифатида газета саҳифаларига олиб чиқишда давом этади.

Адабиёт, санъат, маданият ва касаба уюшмалари янгиликлари бўлими ҳам ўтган йили газетхонлар эътиборини қозонган "Donish chirog'i", "Bashariyat yulduzlari", "Va'da" каби рукнларни давом эттириб, янги — "Mangulikka daxldor" рукни орқали умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим ўқув дастурларидан ўрин олган аллома ва адибларнинг ўлмас асарлари билан кенгроқ таништиришни мақсад қилмоқда.

Сиёсат, халқаро ҳаёт ва спорт янгиликлари бўлими "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили муносабати билан ташкил этилган "Қишлоқдан чиққан чемпион" рукни остида спортга берилаётган эътибор шаҳару туман марказлари қатори қишлоқ ва овулларимизда ҳам бирдек самара кўрсатаётганини намоён этувчи, ёшларни янги зафарларга илҳомлантирувчи мақолаларни беришда ташаббускорликни яна қўлда тутмоқчи. Бинобарин, ушбу рукн газетхонларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганини веб-сайтимиз **(www. marifat. uz)**га келган муносабатлардан сезиш мумкин.

Бу йил эса инсоният тараққиёти учун хизмат қилувчи кашфиётлар ғоясининг илк юзага келиш жараёни билан боғлиқ, унинг кейинги самараси ҳақида кенгроқ маълумот берадиган "Топилдиқ" рукнини ташкил этишни ҳам олдимизга мақсад қилаяпмиз.

Хат — кўнгил ойнаси, дейишади. Шу маънода, таҳририятга келган ҳар бир мақола, ҳар бир хат синчиклаб ўқиб чиқилади, муҳокамадан ўтказилади, энг саралари чоп этилишга тавсия этилади. Қувонарлиси, ўтган йили Муҳиддин Болиев, Муҳаббат Шарифова, Кўпайсин Хўжамбердиев, Маърифат Шарипова каби кўплаб устоз-мураббийлар доимий муаллифларимизга айланди. Келгусида ҳам фаол муштарийларимиз сафи янада кенгайишига ишонамиз.

ТАҲРИРИЯТ

«Yoshlik» talabalar shaharchasining bugungi qiyofasini ko'rgan kishi uni akademiklar shaharchasiga qiyoslashi tayin.

2010-yil — Barkamol avlod yili

ИЛМ ҚУДРАТИ БУНЁДКОРЛИКДА

Осмондан укпардек тўкилаётган паға-паға қорларга ҳовучини тутган Ёрқиной энтикди. Она замин узра тўшалаётган, ризқ-рўз рамзи саналган қор ҳақида хаёл сурди. Унинг борлиғи мўъжиза! Ҳар бир донаси турфа хил синоатга тўлиқ хилқат, ҳар бир заррада сирлар яширин, зарраки, гулга қиёс, зарраки нурга қиёс, зарраки самода нақшланган...

Табиатнинг мўъжизаси олдида инсон лол қолади. У қаердан келадию қаерга кетади? Нимагадир эгни-бошингизга тушса, дарров эриб кетади. У нима учун ўзини дарҳол қурбон этади? Саховати боисидан она заминни тўйинтиради гўё... Ҳа, худди шундай! Ёрқинойнинг қалбига ифорли туйғулар нақш солди. У қўлига қаламини тутди. Худди шу лаҳзаларда гўёки осмонда учиб кетарди-да, илоҳиёт

хилқатига ошно қалбидан оҳорли сатрлар тўкиларди.

... Ёрқиной ҳар галгидек тонгсаҳарлаб уйқудан уйғонди. Бешикда бир маромда ухлаётган ўғлининг дўмбоққина юзидан оҳиста ўпди-да, ташқарига йўналди. Теварак-атрофни озода қилиб супуриб-сидирди, эрталабки нонуштани тайёрлади. Ўзи ҳам шоша-пиша чой ичди-да, қайнонасига қараб майингина жилмайди.

— Бугун университетда бўладиган учрашув кечасида маъруза қилмоқчи эдим...

— Тезроқ отлана қол, қизим, Янгиариқдан Урганчга боргунча кечикиб юрма яна. Беҳрузбекдан кўнглинг тўқ бўлсин, — онахон келинига меҳр билан боқди.

— Онажон, раҳмат сизга.

Йўлда келар экан, бугун қиладиган маърузаси ҳақида ўйлади. Асосийси, катта олимлар даврасида шошиб қолмаслигим, фикрларимни аниқ ва лўнда тушунтиришим керак. Ҳа, худди шундай. Яхшиям, тақдирим яхшилар билан қўшилди.

Ёрқиной Эрназарова ҳозирда 22 ёшда. Инсоннинг иши унинг умри билан эмас, қилган эзгуликлари билан ўлчаниши, шубҳасиз. Чунки Ёрқиной аллақачон ўзининг умр йўлини тўғри танлай олди. Иқтидорли талаба, ноёб истеъдод эгаси, нозиктаъб ижодкор, илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган бўлғуси олима, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибаси, бир қатор фан олимпиадаларининг ғолиби. Шулар билан бир қаторда иболи, ҳаёли, одобли-икромли келинчак, вафодор ёр, меҳрибон она!

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда шеър ёзсам ўзимни енгил ҳис қилардим, — дейди иқтидорли талаба — шунданми, ўзим таҳсил олган Янгиариқ туманидаги 11-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда фаолият кўрсатаётган адабиёт тўгарагига мунтазам қатнашардим. 2004 йили «Нафосат» ёш қаламкашлар республика танловида иштирок этиб, ғолиб бўлдим.

Унинг кўнгил силсиласи акс этган назмий битиклари «Қалб садоси» ҳамда «Хаёл қуши» шеърий китобларида ўз аксини топди. Илк машқлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Изланувчан қиз тинимсиз меҳнатдан роҳат топарди. Қанчалик кўп изланса, шунчалик кўп билгани сайин ўзича хурсанд бўларди.

— 2006 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлганлигим ҳаётимдаги энг ҳаяжонли ва унутилмас гўзал лаҳзалардан бири бўлиб қолди, — дейди у. — Мен бу ютуғимни мамлакатимизда ёш авлод учун қилинаётган эъзоз ва эҳтиром рамзи сифатида қабул қилдим. Ёшларга шунчалик улкан қулайликлар яратиб бериб қўйилганки, бундан оқилона фойдаланмоқ ва ўз ўрнида Ватанимизга муносиб бўлиб, шаклланиб, эзгуликларга ижобий жавоб бермоқ керак. Илм олишни истаган ўғил-қизлар буни тўғри тушуниб, ҳаракат қилишаётганлигидан қувонаман.

Ёрқиной Эрназарова — Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети талабаси. «Миллий ғоя: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналишининг тўртинчи курсида таҳсил олаяпти.

— Қобилиятли талаба қизимиз ўзининг истеъдодини тўла намоён қилиб, таълим олиш жараёнида аъло баҳоларга ўқияпти, — дейди Урганч давлат университети маънавият ишлари бўйича проректори Санжарбек Давлатов. — Университетнинг миллий ғоя таянч маскани аъзоси, жамоат ишларининг фаол қатнашчисидир. Ёрқиной ўзининг камтар ва камсуқумлиги, одоби ва юксак ахлоқий фазилатлари, зукколиги ва тиришқоқлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётир. Ўтган йили миллий ғоя фани бўйича талабалар республика фан олимпиадасида иштирок этиб, «Энг яхши нотиқлик қобилияти» номинацияси бўйича совриндор бўлди. Инглиз ва рус тилларида эркин сўзлаша олади. Айни пайтда «Глобаллашув шароитида миллий ғояни ёшлар онги ва қалбига сингдиришнинг долзарб масалалари» мавзусида тадқиқот ишларини олиб бораётир.

— Менинг ушбу мавзуни танлашимга сабаб, бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари шиддат билан ривожланиб, дунёнинг турли бурчакларида геосиёсий манфаатлар тўқнаш келиб, айрим ҳудудларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига хавф солмоқда. Ғоявий хуружлар кучайиб, ижтимоий ҳамжиҳатликка, халқларнинг менталитетига таъсир қилмоқда. Мана шундай шароитда мамлакатимизнинг миллий ўзлигини сақлаш, миллий тараққиёт йўлида дадил боришда миллий ғоянинг ўрнини чуқур таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этишини ҳар бир ёшга тўлақонли тарзда тушунтиришни истардим. Илмий тадқиқот ишимнинг аҳамияти ёшлар онгига миллий ғоянинг бунёдкор ғояларини сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни мустаҳкамлаш, уларнинг Ватан олдидаги масъулиятларини доим англаб, амал қилишига ундашнинг самарали усулларини яратишдан иборатдир.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг 3-бобида маънавий таҳдидларга тўхталар экан, бугун дунёда юз бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнлар, турли ҳудудларда геосиёсий манфаатларнинг тўқнашуви, глобаллашув шароитида оммавий маданият ниқоби остида ахлоқсизлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш орқали неча минг йиллик анъана ва қадриятларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар ҳақида сўз юритадилар.

Ёрқинойнинг фикрлари дадил ва равон, тушунчаси, дунёқараши кенг. У мазкур мавзуни магистратура босқичида ҳам яна давом эттириш нияти борлигини таъкидлайди.

— Ватан оиладан бошланади. Ҳар бир оилада тинчлик, аҳиллик бўлса, хонадонга барака ёғилади. Қайнотам Улуғбек Қўчқоров Янгиариқ туманидаги 1-мактаб директори, қайнонам Гулбаҳор Ортиқова тумандаги 22-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Оиламизнинг барчаси: қайноғаю, қайнопаларим ҳам ўқитувчилик касбини ардоқлашади. Бизни математиклар оиласи ҳам дейишади. Буни умр йўлдошим Диёрбек Қўчқоров мисолида ҳам кўриш мумкин. У ҳозир олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази аспиранти. Барчамизнинг ниятимиз ягона —республикамиз ривожланишини қўллаб-қувватлаш, Юртбошимиз яратиб бераётган имкониятларга муносиб ҳолда жавоб бериш, Ватанимизнинг тинчлигини, аҳиллигини сақлаш, ёш авлодга, Ватанни ардоқлашни ўргатишдан иборатдир. Президентимиз томонидан янги йилнинг «Баркамол авлод йили» дея аталиши бизни беҳад қувонтирди. Эзгу орзу-умидлар улғайиб бораётган мамлакатимизда энди ёшларнинг имкониятлари янада кенгаяди, улар хорижда Ўзбекистон байроғини ҳар қачонгидан ҳам баландроқ ва маҳкамроқ ҳолда жипслатиб ҳилпиратадилар...

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ БЎЛАМИЗ



Президентимиз ҳар доим ёшлар келажагига алоҳида эътибор билан қарайдилар. Буни биз талабаларга яратилаётган шароит ва имкониятлардан ҳам билса бўлади. Шу ўринда мисол келтирамиз: «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг бугунги қиёфасини кўрган киши уни академиклар шаҳарчасига қиёслаши тайин. Негаки, у ерда барча шароитлар муҳайё: спорт майдонлари, замонавий ахборот-ресурс маркази, ўқув хоналарини кўрган кишининг кўнгли яйрайди. Бундай шароитларда киши ўқимаслиги, изланмаслиги мумкинми?!

Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» дея эълон қилиниши эса, шу қилинаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлишига ҳеч шубҳа йўқ. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанада «Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда фидойилик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор», деганида ҳеч шубҳасиз, биз ёшларга янги шароитлар, янги имкониятлар яратилишини назарда тутди.

Бу каби келажакни ўйлаб қилинаётган ишларга мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Ўрни келганда айтиш керакки, «Баркамол авлод йили»да давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади. Ушбу рақамлар орқали юртимиз келажаги бўлган биз — ёшларга қанчалик эътибор берилаётганини ҳам билишимиз мумкин.

Янги йилда ёшларимиз эътиборга муносиб жавоб қайтариш мақсадида кўплаб кўрик-танловларда, илмий конференцияларда, халқаро олимпиадаларда юртимиз довруғини жаҳонга достон қилиш пайида бўлишлари, шубҳасиз. Бу йўлда мен ҳам ўз имкониятларимни ишга солиб, изланишларимни изчил давом эттириш ниятидаман.

Ҳадия АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори, ЎзМУ талабаси

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҲАМ «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАДБИРИ КАТТА ТАНТАНАЛАР БИЛАН НИШОНЛАНДИ.

Норин, Учқўрғон, Косонсой, Чуст, Мингбулоқ туманларидан ташриф буюрган 300дан ортиқ ўқувчининг ҳар бирига Президентимиз совғалари топширилди.

«Баркамол авлод йили» бу тадбирнинг яна-да улкан аҳамият касб этишига сабаб бўлди. Улуғвор арча атрофига йиғилган меҳмонлар келажак чечакларига совғалар улашиб, тилаклар билдиришди. Сўнгра муқаддас Ватанимизни улуғловчи тароналар баралла янгради.

Тадбир сўнгида тўпланганлар мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган «Буратино» спектаклини мароқ билан томоша қилишди.

Наманганда қувноқ байрам шодиёнаси давом этмоқда.

Пўлат ҲАМДАМ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАМЗА ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ТАСАРРУФИДАГИ 307-МАКТАБДА «МИЛЛИЙ ҒОЯ» ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАР ОЙЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЯКУНЛОВЧИ ФЕСТИВАЛ БЎЛИБ ЎТДИ.

Бу фестивалда тумандаги мактабларнинг ушбу фан ўқитувчилари ҳамда халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этди. «Баркамол авлод йили»га бағишлаб ўтказилган фестивалда кўргазмали чиқишлар ташкил этилди.

Бундан ташқари мактаб фоесида фан ойлиги давомида ўқувчилар томонидан ишланган рефератлар, деворий газеталар, турли хил плакатлар ва буклетлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Фестиваль якунида Ҳамза туман халқ таълими бўлими мудири Абдуманноп Собиров сўзга чиқаркан, фан ойлиги давомида фаол иштирок этган, шунингдек, «Энг яхши дарс ишланмаси» кўрик-танловида совринли ўринларни олган бир қатор ўқитувчиларга мақтов ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Дилфуза БУРХОНОВА,
Ҳамза туман ХТБ методисти,
Клара АЗИМОВА
198-мактаб ўқитувчиси

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ҲАМДА «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАБ БИР ҚАНЧА ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛАЯПТИ.

Уларда ёшларимиз Ватанни қадрлаш, кўз қорачиғидай асраш, уни ҳимоя қилиш руҳида тарбияланмоқда. Маънан соғлом, жисмонан етук, мард, жасур бўлиб, замонавий фан-техника сирларини эгаллашга интилишаяпти.

«Бир йигитга қирқ ҳунар оз» шиори остида Термиз шаҳридаги 3-мактабда ўтган «Энг ибратли йигит» кўрик-танловининг вилоят босқичи ана шундай йигитларни кашф этди. Барча шартларни муваффақиятли бажарган Денов туманидаги 57-мактабнинг 11-синф ўқувчиси М.Ниёзов, Сариосиё туманидаги 36-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Қ.Эргашев, Шўрчидаги 59-мактабнинг 9-синф ўқувчиси А.Хайруллаев, 5-ДИМИ 11-синф ўқувчиси Ю.Хидиров, 3-ДИМ 11-синф ўқувчиси Б.Иноятов «Энг ибратли йигит» деб топилди.

Норқувват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

БАРЧА УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛГАНИ КАБИ, ТУМАНИМИЗДАГИ 299-МАКТАБДА ҲАМ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ ҚИЗИҚАРЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ойликнинг биринчи ҳафтасида байроқлар танлови ўтказилиб, унда 1-«А» ва 1-«Б»-синф ўқувчилари ғолиб чиқишган бўлса, давлатимиз мадҳияси қабул қилинган кунга атаб мадҳияни чиройли куйлаш ва ўқувчилар томонидан чизилган суратлар танлови кўплаб ўқувчиларни қамраб олганлиги билан қизиқарли кечди. Бундан ташқари, ўқитувчи Ш.Зияев, Г.Ҳусанова, А.Илҳомова ва Р. Ҳамидоваларнинг интерфаол усулларда ўтган дарслари кузатувчилар ҳамда ота-оналар томонидан намунали деб топилиб, 3-«А» синф раҳбари М.Шариповонинг табиат фанидан «Қовоқ ва унинг хусусиятлари» мавзусидаги ноанъанавий дарси барчада катта тааассурот қолдирди.

— Шахсан мен мазкур дарсда сабзавотлар мамлакатига саёҳат қилгандек бўлдим. Қовоқнинг бир қанча хусусиятлари, ундан тайёрланадиган шифобахш таомларни билдим, — дейди мактаб раҳбари Д.Паттахова. — Бундай ноанъанавий усуллар дарс самарадорлигини ошириб, ўқувчиларнинг билим ва малакаларини ҳам бойитади.

Гулнора РАҲИМОВА,
Шайхонтохур туманидаги 299-мактабнинг бошланғич синф услуббирлашма раҳбари

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ 10-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФАН ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА «МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗУККО, БИЛИМДОН ЁШЛАРИ» МАВЗУСИДА БЎЛИБ ЎТГАН КАТТА ТАДБИРДА 5—9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ.

Шунингдек, 5-синф ўқувчилари «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанининг бошланғич нуқтаси бўлган «Одобнома» ва «Ватан туйғуси» фанларидан олган билимларини синаб кўрдилар.

Фан ойлиги давомида 8—9-синф ўқувчилари ўртасида ҳам қизғин беллашувлар ўтказилди. Айниқса, 8-синфнинг «Баркамол авлод» гуруҳи ва 9-синфнинг «Истиқлол» гуруҳлари 5та шартдан иборат мусобақада ўзаро билимлар майдонига чиқишгани барчада катта қизиқиш уйғотди. Мусобақа шартларини ҳар иккала гуруҳ тўлақонли бажарганлиги учун дуранг натижага эришдилар.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ,
журналист

ОППОҚ КЎЙЛАГИНИ ЭГНИГА ИЛИБ, СОЧЛАРИНИ БАЙРАМОНА ТУРМАКЛАБ ОЛГАН УМИДА ҲАР ДОИМГИДАН ЖУДА ЭРТА ТУРДИ. НЕГАКИ, БУГУН УЛАРНИНГ «САВОДХОНЛИК» БАЙРАМИ. КЕЧАГИНА У ЁЗИШНИ, ЎҚИШНИ БИЛМАСДИ. ЭНДИ ЭСА У ҲАТТО РАСМ ЧИЗИШНИ ҲАМ ЎРГАНИБ ОЛДИ.

Шайхонтохур туманидаги 45-мактабнинг 1 «Б» синф ўқувчилари Умида каби байрамона либосда келишган. «Саводхонлик» байрами иштирокчиларининг қувончи чексиз. Хонани Диёра байрам арчаси билан безатар, аълочи Дилмурод эса ўйинчоқларни узатиб турарди. Байрамга таклиф қилинганлар кўп — Айиқполвон, Тулкивой, Қуёнча, энг асосийси, Қорбобо ва Қорқиз.

Байрам томошаси бошланди. Олдинига товушлар тилга кирди. Сўнг, ўқувчилар «Alifbe» китобини кузатишиб, «O'qish» китобини жўр овозда чақиришди. Негадир ундан дарак йўқ. Ўқувчилар хавотирга тушишган, эшиклар беркилиб қолган. Сочлари бетартиб ялмоғизнинг иши бу. У байрамни тўхтатмоқчи.

Унинг бу ёвуз ниятини тезда сезиб қолишди. Ялмоғиз эса ўқувчиларга 3та саволи борлигини, агар жавоб топишса, «O'qish» китобини қайтариб беришини айтди. Билимга чанқоқ ўқувчилар «Alifbe» сабоқларини пухта эгаллаганини Ялмоғизга кўрсатиб қўйишди.

Шундан сўнг, саҳнага қувноқ раққоса қизлар чиқиб, «Дўппи тикдим», «Сайр этайлик», «Омон ёр» қўшиқларини айтиб ўйинга тушишди. Фарзандининг ҳаракатларини кузатиб турган ота-оналар сўзга чиқиб, сабоқ берган биринчи устози Дилноза Мирсагатовага миннатдорчилик билдиришди. Тадбир сўнгида Қорбобо ҳамда Қорқиз байрам иштирокчиларига байрам совғасини улашди.

Ҳулкар РАЖАБОВА

ТАЪТИЛНИНГ ТОТЛИ ОНЛАРИ

Qishki ta'til

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ота-она, бувижонларнинг қишки таътилни мазмунли ўтказиш учун қайғураётганлари дилга қувонч беради. Шу ўринда Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳам қишки таътил кунларини мазмунли ташкил этиш, ўқув даврининг бу қисқа танаффусидан самарали фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитишга қаратилган бир қатор режа ва чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

— Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг қишки таътилини ташкил этиш бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳ таркиби ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланган, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси етакчи назоратчиси Хайриддин Бойиров. — Айни кунларда ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича фан ва ижодий тўгараклар, спорт секциялари машғулотларининг мунтазам ўтказилишини ташкил этиш, ҳомий ташкилотлар ёрдамида таътил даврида ўқувчиларнинг республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, музейлар, истиқлол йилларида қад кўтарган иншоотларга саёҳатларини уюштиришни таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Рақамларга мурожаат этсак, таътил кунларида 2,5 миллион ўқувчи тўгарак ва спорт секцияларидаги машғулотларга қатнамоқда, 40 мингдан ортиқ ўқувчи тарихий-маданий ёдгорликлар билан танишиши, минглаб ўқувчилар ўз ҳудудларидаги музейларга, тарихий қадамжоларга саёҳат уюштириши назарда тутилган. Шунингдек, таълим муассасаларида ҳар бир кун учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва амалда ҳам режа асосида машғулотлар, қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

Тошкент туманидаги 9-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зуҳра Жалилова Республика Таълим маркази тавсияси билан таътилни қандай ўтказаётганлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, ўқувчиларнинг қизиқишларини инобатга олиб, уларни турли тўгарак раҳбарларига бириктирдик. 5—7-синф ўқувчилари туман ҳокимлиги биноси олдидаги арча атрофида маза қилиб яйрашди. Ўзлари эртак қаҳрамонлари бўлиб, сценарий асосида спектакль саҳналаштиришди. Ўқитувчи Гулнора Низохунова Тошкент бўйлаб саёҳатга чиқиб, ўқувчиларни Шаҳидлар хотираси хиёбони, Мустақиллик майдони, телеминора, Хастимом мажмуасига олиб борди. Ўқитувчиларимиз — Ойбек Ваҳобов ташкил этган «Баркамол авлод нигоҳида — Янги йил» расмлар танлови, Маъмура Салимова, Муқаддас Солиҳоваларнинг «Ижодкор ўқувчилар мушоираси», Гулбаҳор Гасилованинг рус тилидаги «Шеърият кечаси», Камола Муҳиддиновонинг «Оламга саёҳат» — география бўйича викторинаси таътилдаги ўқувчиларнинг бир зум ҳам бўш қолмай, уни мароқли ўтказишларига ҳисса қўшмоқда. Айни кунларда 800 нафардан ортиқ ўқувчи спорт машғулотлари билан банд.



Тўгарак ва спорт секцияларидаги машғулотларнинг ўз вақтида ўтаётгани яхши, бироқ баркамол авлод маънавиятини шакллантирувчи музей ва кинотеатрлардаги аҳвол қандай экан?

Қувонарли томони шундаки, қишки таътил кунларида маънавият ўчоқларидан бири — музейларга ҳам ташриф кўпайган. Бу ҳақда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи экскурсоводи Аниса Абдураҳимова шундай дейди:

— 2009 йили музейда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Энг асосийси, музейимиз муттасаддилари томонидан қишки таътил кунларигача таъмирлаш ишларини якунига етказишга алоҳида эътибор қаратилди. «Алишер Навоий», «Ўзбек адабиёти тарихи»га бағишланган заллардаги экспонатлар янгиланди, эскилари олиб ташланди. Айни пайтда барча ишлар поёнига етган бўлиб, ўқувчилар учун ҳозир учала қаватдаги заллар ишлаяпти. Шу кунгача Тошкент туманидаги 9, 14, Қибрай туманидаги 25, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24, Ҳамза туманидаги 230-мактаб, ҳамда пойтахтимиздаги бир қатор академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юртлари талабалари музейда бўлишиб, ўзларининг билими ва дунёқарашларини бойитишди. Ҳозир ҳам музейимизга ташриф буюраётган ўқувчиларнинг кўп эканлиги барчамизни қувонтирмоқда.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Б.РИЗОҚУЛОВ, В.ГРАНКИН ва Ё.ШАМСУТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

МАЪНАН ЮКСАКЛИК — БАРКАМОЛЛИК ШАРТИ

Юртимизда ўқувчилар қалбига халқимизнинг бой ўтмиши, тарихий маданияти билан бирга бебаҳо хазина бўлмиш миллий-маънавий меросини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият—енгилмас куч" асари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича махсус методологик комиссия мажлиси баёнига асосан умумтаълим муассасаларида Президентимизнинг мазкур асарини 10 соатлик факультатив курсларда ўрганиш бўйича ўқув дастури қайта ишланиб, такомиллаштирилди. Ушбу дастур Миллий истиқлол ғояси бўйича узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари яратишни мувофиқлаштирувчи махсус эксперт комиссияси ҳамда Миллий ғоя илмий-амалий маркази томонидан ҳам ижобий баҳоланди.

Қуйида мазкур ўқув дастури эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Умумтаълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганиш бўйича факультатив курс ЎҚУВ ДАСТУРИ

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади.

Ислом КАРИМОВ

Юртимизда жамиятнинг маънавий юксалиши, фуқаролар, хусусан, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти масаласига истиқлолнинг илк йиллариданоқ алоҳида эътибор берилиб, бу йўналишда аниқ мақсад ва вазифалар белгиланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган дастурлар, режалар ва чора-тадбирлар натижасида ўзликни англаш, тарихий хотира, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш, донишманд ва фидойи аждодларимиз руҳига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, маънавий янгиланиш тимсоллари бўлган муҳташам обидалар ва қадамжоларнинг барпо этилиши, миллий истиқлол ғоясига асос солиниши каби қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ПҚ 451-сонли Қарорида мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган янги вазифалар белгилаб берилди ва улар изчил равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон давлати бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти аталмиш улкан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий маконда ўзининг муносиб ўрнини топди.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнларининг кучайиши ва ахборот-коммуникация технологияларининг илдам тараққиёти ютуқлар билан бир қаторда турли "чегара билмас" муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат юртимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Хавфсизлик ҳадсиз-ҳудудсиз тушунчага айланган бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш зарурати тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам халқимиз эртанги кунга ишонч билан интилаётган, тўғри танланган тараққиёт йўли ўз самараларини кўрсатаётган, янгича тафаккур, ғайрат ва шижоат билан янги авлод вакиллари майдонга кириб келаётган Ўзбекистон заминида мустақилликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлашда маънавий тарбиянинг аҳамияти янада кучаймоқда.

Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Асарда инсон юксалишида маънавий оламнинг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритилган. Халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, элюртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топган.

Асарни ўрганиш ўқувчини "маънавият" тушунчасининг бой олами ва янги кенгликларига олиб киради, маънавият ҳақидаги тасаввурларини бойитади, уни маънавий камолот сари интилишга даъват этади ва унга элтувчи йўлларни кўрсатиб беради. Асар кундалик ҳаёт билан узвий боғланган, билдирилган фикрлар теран мазмунга эга, самимий ва лўнда, дилдаги гаплар айтилган.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асари ҳар бир инсоннинг қалби ва руҳият оламини безайди, фикрлашга ва мулоҳаза қилишга ундайди.

Умумтаълим мактабларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганиш бўйича факультатив курсни ташкил этиш юзасидан ТАВСИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини атрофлича ва чуқур ўрганиш учун умумтаълим мактабларининг 9-синфларида 10 соатлик факультатив курси (учинчи чорак давомида) ҳафтада 1 соатдан ўқитилиши мақсадга мувофиқдир.

Дарсларни ташкил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, асар орқали истиқлол йилларида давлат ва жамиятнинг узвий ҳамкорлигида фуқаролар, хусусан, ёш авлоднинг маънавий баркамоллигига эришиш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг бутун мазмуни ва моҳиятини очиб бериш;

иккинчидан, асарда "маънавият" тушунчасига берилган таъриф мукаммаллиги жиҳатидан бошқаларидан ажралиб туради. Айни пайтда маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларнинг батафсил таърифланиши ва асосланиши асарнинг методологик жиҳатдан қимматли манба эканлигини англатиши;

учинчидан, асарда халқимизнинг асрлар давомида мавжуд бўлиб, ҳаёти, турмуши ва меҳнати мазмунини белгиловчи энг сара қадриятлар ва фазилатлар талқинига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу ёш авлодда таълим ва тарбия жараёни орқали шакллантириш лозим бўлган маънавий идеалларни белгилашда долзарб аҳамият касб этиши;

тўртинчидан, асарда жамият ва ҳар бир фуқаро маънавий камолотига эришишда турли институтларнинг ўрни ва роли чуқур таҳлил қилиниб, улар орасида халқ таълими тизими вазифалари ҳамда устоз-мураббийлар фаолиятига алоҳида урғу берилади. Умумтаълим мактаблари зиммасидаги маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ шарафли ва масъулиятли вазифани нафақат мактаб раҳбарлари, устоз-мураббийлар, балки ўқувчилар ҳам теран ҳис қилишлари лозимлиги;

бешинчидан, бугунги глобаллашув ва ахборот-коммуникацияларининг тезлик билан ривожланиши даврида маънавий таҳдидларнинг вужудга келиши, уларнинг ўсиб келаётган авлод онги ва қалбига нисбатан хуружига бепарво қараб бўлмайди. Асарда "маънавий таҳдид" тушунчаси атрофлича таҳлил қилиниб, ундан ҳимояланиш бўйича қимматли фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топганлиги;

олтинчидан, асарда таърифлаб берилган "маънавий жасорат" тушунчаси бугунги ва эртанги кун учун бирдай аҳамиятлидир. Маънавий жасоратга қодирлик янги авлод шахсидаги юксак фазилатлардан бирига айланиши Ватан мустақиллиги ва тараққиётини мустаҳкамловчи муҳим омил эканлиги.

Шунингдек, дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчилар қалби ва онгига мазкур асар мазмун-моҳиятини чуқур сингдириш учун қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

— ушбу курсни махсус тайёргарликдан ўтган малакали (Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, тарих, ҳуқуқ, адабиёт) ўқитувчиларга юклатиш;

— ушбу курсларнинг махсус (кўргазма воситалари, компьютер, проектор, мультимедиа ва бошқа техника воситалари билан) жиҳозланган маънавият хоналарида ўқитилишини ташкил этиш;

— ўқитувчининг кундалик дарс режаси ва дарсга тайёргарлик даражасини мунтазам назорат қилиш;

— ўтилаётган дарсларнинг вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлими, мактаб маъмурияти томонидан мунтазам кузатилишини таъминлаш.

Бундан ташқари, асар мазмуни тарбиявий соатлар ҳамда барча ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар мазмунига сингдириш асосида ҳам ўрганилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" маърузасида илгари сурилган бугунги давр ўқувчи-ёшларининг китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш каби фикр-мулоҳазаларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқи ва унда 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб номланиши мазкур факультатив курсни ташкил этишда ҳар бир раҳбар, мураббий ва ўқитувчига алоҳида масъулият юклайди.

Мазкур курсни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан оқилона фойдаланган ҳолда барча мавзуларни ўқувчиларнинг кундалик ҳаётлари, ижтимоий турмушнинг барча жабҳалари билан боғлаш, кўргазма воситаларидан, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсларни "Сўраб билиш", "Давра суҳбати", "Биласизми?", "Чархпалак" ва "Баҳс-мунозара" усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мумкин.

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини ўрганиш бўйича факультатив курснинг ЎҚУВ РЕЖАСИ

№	Бўлимлар ва мавзулар	Ажратилган соат	
		назарий	амалий
	МАЪНАВИЯТ – ИНСОННИНГ УЛҒАЙИШ ВА КУЧ-ҚУДРАТ МАНБАИДИР		
1	Маънавиятни англаш. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар	1	
2	Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги	1	
	МУСТАҚИЛЛИК – МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ		
3	Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. Маънавият ва жамиятнинг янгиланиши	1	
4	Ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезони	1	
	МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД – ЎЗЛИГИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД		
5	Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар	1	
6	Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя	1	
	ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ		
7	Инсон қалбига йўл	1	
8	Энг буюк жасорат	1	
9-10	**Ўтилган мавзулар юзасидан давра суҳбатлари ва амалий машғулотлар** - музейларга, галереяларга, хотира майдонларига, тарихий обидаларга, зиёратгоҳларга саёҳат; - олимлар, шоирлар, ёзувчилар, меҳнат фахрийлари, санъат арбоблари билан учрашувлар; - маънавият йўналишидаги фильмлар, слайдлар, фотосуратларни томоша қилиш ва муҳокама этиш.		2
	Жами:	**8**	**2**

(Давоми 6-бетда.)

МАЪНАН ЮКСАКЛИК – БАРКАМОЛЛИК ШАРТИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ" КИТОБИНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

(Давоми. Боши 5-бетда.)

Ўқувчилар қуйидаги билимларни эгаллашлари шарт	Ўқувчилар тарбиясидаги кўникмалар	Ўқувчилар таълим-тарбиясидаги малакалар
Ўқувчилар қуйидаги билимларни эгаллашлари шарт: — Ўзликни англаш тушунчаси; — "маънавият" сўзининг мазмун-моҳияти, маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар; — маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, миллий ғоя, маънавий ҳаёт тушунчалари; — ўзликни англашда она тилининг ўрни; — ўзликни англашда миллий урф-одатлар, қадриятлар, тарихий хотиранинг ўрни; — «ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун» тамойилининг мазмун-моҳияти; — глобаллашув тушунчаси, глобаллашувнинг салбий таъсири; — "оммавий маданият" тушунчаси ва унинг моҳияти, миллий қадриятлар ва анъаналар кушандаси; — ғоявий бўшлиқ ва унинг зарарли оқибатлари; — мафкуравий иммунитет, мафкуравий иммунитетни шакллантириш мезонлари; — таълим-тарбиянинг уйғунлиги; — баркамол шахсни шакллантиришда мактабнинг, миллий тарбиянинг ўрни ва бошқалар.	— Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқлигини тушуниш; — маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланишини ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкинлигини англаш; — маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларнинг мезони эканлигини англаш; — маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этишини англаш; — маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар — маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларнинг ўрнини англаш; — ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс эканлигини англаш; — маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил таълим-тарбия тизими эканлигини англаш; — моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлашса, жамият тараққий топишини англаш; — Миллий ғоянинг узвий таркибий қисми: комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойиллари мазмун-моҳиятини идрок этиш; — ўзликни англаш миллий онг ва тафаккурни ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлишини англаш; — бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга эканлигини фаҳмлаш; — мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини англай олиши; — адабиёт — сўз санъати инсонни маънавий оламини кашф этишида қудратли восита эканлигини тушуниш ва унга муҳаббат қўйиш; — юксак маънавият буюк жасоратларга етаклашини англай олиши.	— Ватанимизнинг бой тарихини ўрганиш, аждодлар мероси билан ғурурланиш, қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини англаш. Шу билан бирга аждодларимизга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилиш; — яхши ўқиш, жамоат ишларида фаол қатнашиш, миллий қадриятлар ва анъаналарга содиқ бўлиш, уларни ўрганиш ва такомиллаштиришга ҳаракат қилиш; — миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзига раҳна солаётган "оммавий маданият"нинг салбий оқибатларини ҳис қилиш ва унга қарши қатъий онгли фикр билдира олиш; — маънавиятга қарши ҳар қандай таҳдид — бу миллатга қарши таҳдид эканлигини шарҳлай олиши, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга, умуминсоний принципларга қарши бўлган ҳар қандай ёт ғояларга қарши тура олиш; — давлатимиз томонидан таълим олиш ҳуқуқининг кафолати сифатида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг замирида ёшларимизнинг маънавий камолоти йўлида яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиш; — тадбиркорлик билан шуғулланиш учун куч-ғайрат ҳамда билим ва тажриба, ақл-идрок, касб малака етарли бўлиши, қонунларни ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва мажбуриятларини билиши лозимлигини англаган ҳолда тўғри касб танлаш ва билим олишга интилиш; — ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларга эга бўлиш; — табиатнинг тенгсиз неъмат эканлигини ҳис қилиш ва уни асраб-авайлаш; — жаҳон адабиёти, миллий адабиётимиз дурдоналари билан танишиб боришни ўзининг кундалик фаолиятига айлантириш; — жамият олдидаги мажбуриятлари ва масъулиятларини тўғри тушуниш, ҳар соҳада фидойи бўлиш, ўз билими ва кучини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолияти мезонига айлантира олиш.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ" АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ФАКУЛЬТАТИВ КУРСНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

МАЪНАВИЯТ – ИНСОННИНГ УЛҒАЙИШ ВА КУЧ-ҚУДРАТ МАНБАИДИР

МАЪНАВИЯТНИ АНГЛАШ (2 СОАТ)

1-дарс. Маънавият – беқиёс куч. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар. 1 соат

Олижаноб фазилатлар – комиллик белгилари. Тарихий хотира ва маънавий мерос. Буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти. Оила тарбияси — маънавий камолот пойдевори. Маҳалла — маънавият ва тарбия ўчоғи. Таълим ва тарбия бирлиги — шарқона ҳаёт фалсафаси.

Кутилаётган натижа: Ўқувчилар онг-тафаккурида "маънавият" тушунчасини шакллантириш; маънавиятнинг тарихда ва бугунги кундаги аҳамиятини қиёслаш; озодлик, мустақилликка эришишдаги машаққатлар; тараққиётга эришишдаги жаҳон халқлари тажрибаси; маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар (маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар, халқ оғзаки ижодиёти, алломаларимизнинг илмий-ижодий кашфиётлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия тизими) ҳақидаги тушунчалар шакллантирилади.

Таянч тушунчалар: маънавият, ватанпарварлик, маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар, "Авесто", халқ оғзаки ижодиёти, "Алпомиш" достони, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд Замаҳшарий, Амир Темур, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди.

2-дарс: Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги. 1 соат

Моддий ва маънавий олам – инсоннинг қўш қаноти. Руҳий ва моддий олам. Халқимизнинг асрлар давомидаги орзу мақсадлари. Иқтисодий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёнларининг уйғун ривожланиши. Мустақиллик нафақат иқтисодий, балки маънавий имкониятлар манбаи эканлиги.

Кутилаётган натижа: ўқувчилар моддий ва маънавий оламнинг узвий ва фарқли томонлари ҳақида, бозор иқтисодиёти ва муносабатлари, хусусий мулк ҳақида тушунчаларга эга бўладилар. Бугунги кунда мамлакатимизда моддий ҳаёт фаровонлиги ва маънавий баркамолликка эришиш имкониятлари ҳақида аниқ тушунчалар шакланади.

Таянч тушунчалар: Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври мутафаккирлари (Суқрот, Платон, Эпикур, Демокрит, Конфуций ва бошқалар), руҳий олам, моддий олам, маънавият, тараққиёт.

МУСТАҚИЛЛИК – МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ (2 СОАТ)

3-дарс: Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. Маънавият ва жамиятнинг янгиланиши. 1 соат

Миллий ғоянинг теран мазмуни. Маънавий тикланиш ва янгиланиш эҳтиёжи. Тил – маънавият кўзгуси. Ватанга муҳаббат — муқаддас туйғу. Тарихий хотира ва тафаккур уйғониши.

Кутилаётган натижа: Ўқувчиларда миллий ғоя ва миллий мафкурамизнинг энг асосий мақсадлари ҳақидаги билимларга эга бўладилар. Шунингдек, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини ифодалаш; маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг аҳамияти, миллий тил қудрати ҳақида тушунчалар берилади. Ватанга муҳаббат туйғусини, миллий урф-одатларимиз ва тарихий хотирага нисбатан ҳурмат ҳисси шакллантирилади.

Таянч тушунчалар: миллий ғоя, миллат, мақсад, орзу-интилиш, тинчлик, Ватан равнақи, манфаатлар, халқ фаровонлиги, комил инсон, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари.

4-дарс: Ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезони. 1 соат

Инсон манфаатлари – устувор ва пировард мақсад. Ислоҳотлар — кенг қамровли янгиланиш ва ўзгаришлар асоси. Ислоҳотлар инсон ва унинг фаровонлигига қаратилган сиёсат. "Кучли давлатдан кучли жамият сари". Тараққиётнинг "ўзбек модели".

Кутилаётган натижа: Ўқувчилар демократик жамият қуриш зарурати ҳақидаги билимларга эга бўладилар. "Ўзбек модели"нинг беш тамойили ҳақида ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси тараққиётидаги ўрни ҳақидаги, ислоҳотлар инсон учун хизмат қилишини англатиш; "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" концепцияси моҳияти, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрни ҳақида маълумотларга эга бўладилар.

Таянч тушунчалар: собиқ шўролар тузуми, "шок терапеяси", мустақиллик даври ислоҳотлари, "ўзбек модели", барқарорлик, фуқаролик жамияти.

МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД – ЎЗЛИГИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД (2 СОАТ)

5-дарс: Глобаллашув жараёнлари, маънавий таҳдидлар. 1 соат

Глобаллашув жараёни ва унинг оқибатлари. Глобаллашув шароитида ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви. Ўзбекистон — маърифий дунё билан ҳамкорлик тарафдори.

"Оммавий маданият" тушунчаси, "Оммавий маданият"нинг зарарли кўринишлари.

Кутилаётган натижа: Ўқувчилар глобаллашув жараёни ҳақида тушунчага эга бўладилар. Ахборот хуружлари, мафкура полигонларининг таъсири, айниқса, "оммавий маданият" ниқоби остидаги ёт ғояларнинг ўқувчи-ёшлар онги ва маънавиятига салбий таъсири ҳақидаги маълумотлар асосида ўқувчиларда мафкуравий иммунитет шаклланади. Шунингдек, улар бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга эканлиги ҳақидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар;

Таянч тушунчалар: глобаллашув, ахборот, ахборотлашув, мафкуравий таҳдидлар, мафкуравий бўшлиқ, "оммавий маданият", хавф-хатар, таҳдид.

6-дарс: Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя. 1 соат

Бугунги кунда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этиши. Мафкуравий иммуни-

Xo'sh, maktab muallimlari, o'quvchilar erishayotgan muvaffaqiyatlarning siri nimada? Jamoa rahbari Saidaxon Ismonova bu haqda quyidagi fikrlarni bildirdi.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9- СИНФИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ" АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ФАКУЛЬТАТИВ КУРСНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

тет, мустаҳкам ирода ва соғлом дунёқараш. Номақбул одатлардан халос бўлиш зарурати. Аҳиллик, ҳавас ва хайрихоҳлик фазилатлари. Ирода — мустаҳкам ишонч. Соғлом дунёқарашнинг аҳамияти, бу борадаги энг муҳим вазифалар.

Кутилаётган натижа: Ўқувчилар билими ва дунёқарашида "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат" чорловининг мазмун-моҳияти ҳақидаги тушунчалар шакллантирилади.

Ўқувчилар мафкуравий иммунитет тушунчаси ва уни шакллантириш зарурати, худбинлик, сотқинлик; лоқайдлик ва бепарволик тушунчаларининг мазмун-моҳияти ҳамда уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар; Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот марказининг фаолиятлари ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар.

Таянч тушунчалар: фикр, ғоя, мафкуравий иммунитет, мафкуравий бўшлиқ, миллий ўзлик.

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ (2 СОАТ)

7-дарс: Инсон қалбига йўл. 1 соат.

Мактаб — улуғ даргоҳ, устоз – буюк зот. Оммавий ахборот воситалари – маънавий-маърифий минбар. Адабиёт — сўз санъати, халқ қалбининг ифодачиси. Санъат — кучли тарбия воситаси ва руҳий камолот манбаи.

Кутилаётган натижа: Ўқувчиларнинг онгига "Юксак маънавият — енгилмас куч" тушунчаси мазмун-моҳияти сингдирилади, мураббийлик ва ўқитувчилик касбига ҳурмат-эҳтиром шакллантирилади. ОАВларни ривожлантиришнинг бугунги кундаги аҳамиятини, шунингдек, адабиёт, сўз санъати, мусиқа маданияти (эстрада ва мумтоз қўшиқлар); театр санъати; кинематография; тасвирий санъат, монументал санъат; тарихий ва ибратли қаҳрамонлар акс этган миллий болалар ўйинчоқлари ва қўғирчоқларнинг ўқувчилар маънавий юксалишидаги ўрнини идрок этиш кўникмалари шакллантирилади.

Таянч тушунчалар: Қалб, ўқитувчи ва мураббий, санъат, мусиқа, адабиёт, ОАВлар, болалар миллий ўйинчоқлари ва қўғирчоқлари, миллий қаҳрамонлар.

8-дарс: Энг буюк жасорат.1 соат.

Маънавий жасорат — энг буюк жасорат. Фидойилик — буюк қалб ва мўйин ирода далили.

Фидойи инсонлар — халқ фахри ва ғурури. Маънавий жасорат ҳисси билан яшаш. Маънавият — узлуксиз жараён.

Маънавий юксалишнинг давомли йўли. Маънавий юксалиш сари доимий интилиш. Халқ — улуғ ва шарафли йўлдаги карвон. Халқимизнинг умрбоқий фазилатларига ишонч.

Кутилаётган натижа: Ўқувчилар маънавий жасорат ва унинг аҳамияти, Шарқ ва Ғарб мутафаккир ҳамда олимларининг маънавий жасоратлари, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг маънавий жасорат тўғрисида билдирган фикрлари ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар. Ўқувчилар қалбида маънавий жасорат туйғуси шаклланади.

Таянч тушунчалар: маънавий жасорат, матонат, мустақиллик, маънавият, ишонч, ғурур, ифтихор.

ЎТИЛГАН МАВЗУЛАР ЮЗАСИДАН ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР. 2 соат

Давра суҳбатларини тарихий обидалар, музейлар, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ҳудудларнинг диққатга сазовор жойларида ташкил этиш мумкин. Ушбу давра суҳбатлари давомида олимлар, шоир-ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этиш катта самара беради.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" курси бўйича дарс ўтаётган ўқитувчининг кундалик дарс ишланмаси мазкур бандлардан ташкил топиши лозим:

I. Мавзу:
II. Ажратилган соат: ___ соат;
III. Синф: -9 " "
IV. Сана:
V. Режа:
1.
2.
3.
VI. Дарснинг мақсади:
а) таълимий мақсад:
б) тарбиявий мақсад:
в) ривожлантирувчи мақсад:

VII. Дарс жиҳози:
А) Дидактик:
1. Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби.
2. "Юксак маънавият — енгилмас куч" факультатив курсидан ўқувқўлланма (тузувчилар; Р.Қўчқоров, М.Қаршибоев, О.Тошбоев).
3. "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанлари бўйича (мавзуга оид) проекцион кўргазмалар ва плакатлар.
4. Мазуга оид расмлар ва бошқа материаллар.
В) Техник жиҳозлар:
Слайд, компьютер, мультимедиа, DVD, телевизор.

VIII. Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар.

IX. Дарснинг блок чизмаси (тахминий):

Ташкилий қисм: Давоматни аниқлаш.	5 минут
Фаоллаштирувчи саволлар:	
— Якка ишлаш	5 минут
— кичик гуруҳларда ишлаш	5 минут
— катта гуруҳларда ишлаш	5 минут
Ўқувчилар фикрини умумлаштириш	15 минут
Уйга вазифа	5 минут
Рағбатлантириш	5 минут

X. **Фаоллаштириш учун саволлар:** (кўргазма воситалари орқали компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда аввал муаммоли саволлар якка ўқувчиларга берилиб, сўнгра муҳокама учун давра кенгайтирилади, ундан кейин катта гуруҳларда ишланади ҳамда гуруҳларнинг билдирган фикрлари умумлаштирилиб, доскада акс эттирилади.)
1.
2.
3.
XI. Уйга вазифа
XII. Режа — конспект

Республика Таълим маркази ижтимоий фанлар бўлими

«Yilning eng yaxshi maktabi—2009»

ИБРАТ МАЁҒИ

Андижон вилоятидаги илғор мактаблар ҳақида гап кетганда, Қўрғонтепа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби тез-тез тилга олинади. Боиси, мактаб жамоаси тумандагина эмас, вилоятда ҳам ўзининг самарали иш услуби, ижодий фаолияти билан илғор таълим муассасалари қаторида эътироф этиб келинади.

«Йилнинг энг яхши мактаби — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида мазкур мактабнинг мутлақ ғолибликка эришуви юқоридаги фикрларнинг нечоғли тўғри эканлигини исботлади гўё. Қўрғонтепаликлар танловнинг барча шартлари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришдилар ҳамда республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладиган бўлдилар.

Хўш, мактаб муаллимлари, ўқувчилар эришаётган муваффақиятларнинг сири нимада? Жамоа раҳбари Саидахон Исмонова бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирди:

— Биласизми, мактабимизда 74 нафар муаллим меҳнат қилади. Ижодкорлик — барча ўқитувчилар учун асосий мезон ҳисобланади. Таълим мазмунини такомиллаштириш, сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида ҳар бир муаллим изланиш олиб бориши, ҳиссасини қўшиши лозим.

Мана шу мезонлар, талаблар туфайли муаллимлар турли танлов ва тадбирларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқда. Жумладан, 2006 йили меҳнат таълими ўқитувчиси Карима Мамарасулова вилоят босқичида, 2007 йилда эса инглиз тили ўқитувчиси Муҳаббат Тожибоева, 2008 йилда география фани ўқитувчиси Наимахон Сиддиқова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг айни босқичида ғолиблар сафидан жой олди.

Мактабда яратилган ижодий муҳит туфайли ўқувчиларнинг ҳам фаоллиги ошиб, туман, вилоят ва республика танлов ва тадбирларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар. 2006-2007 ўқув йилида 9-синф ўқувчилари Аброр Сотволдиев фан олимпиадасининг вилоят босқичида «Иқтисодий билим асослари» фанидан 1-ўринни, Каримжон Абдуллаев математика фанидан 3-ўринни, Арофат Кимсанова кимё фанидан 3-ўринни эгаллади.

2007-2008 ўқув йилида ўқувчилар Мавлуда Мирзақобулова инглиз тили фанидан, Ҳусниддин Салоҳиддинов «Иқтисодий билим асослари», Наргиза Ҳошимова она тили ва адабиёти, Мафтуна Бахтиёрова физика фани олимпиадасининг вилоят босқичида совринли ўринларни қўлга киритдилар. Мафтуна Абдуллаева, Шаҳзода Ғафурова ва Одина Ҳошимжонова фан олимпиадасининг 2008—2009 ўқув йилидаги вилоят босқичида она тили ва информатика фанларидан ғолибликка эришдилар.

Мактабда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш намунали тарзда йўлга қўйилгани боис, ўқувчиларнинг муваффақияти кўпайиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари Ирода Абдумўминова ва Акмал Обидовлар Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан вилоятда ташкил этилган иншолар ва расмлар кўрик-танловида 1 ва 2-ўринларни эгаллади. Шунингдек, ўтган йили «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида мактаб ўқувчилари Авазбек Мўминов анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 2-ўринни, Шоҳжаҳон Ғафуров тасвирий санъат йўналиши бўйича 3-ўринни, мактаб «Шалола» рақс дастаси эса рақс йўналиши бўйича 3-ўринни қўлга киритди.

«Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг «Энг яхши видеоролик» йўналиши бўйича 8-синф ўқувчиси Иброҳим Отажонов вилоятда 1-ўринни, республика босқичида 2-ўринни эгаллади. «Энг яхши фотоальбом» йўналиши бўйича 8-синф ўқувчиси Ойбек Жўраев вилоятда 2-ўринни эгаллади.

Гулистон шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг қўл тўпи тури бўйича вилоят терма жамоаси таркибида мактабнинг 8-синф ўқувчиларидан Мирсодиқ Назарқулов, Нурилло Ҳабибуллаевлар фаол иштирок этдилар.

Жамоада ўқитувчилар касб маҳоратини ошириш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида педагогик кенгаш ҳамда 8та йўналиш бўйича фан методбирлашмалари ташкил қилинган бўлиб, кенгаш ва методбирлашма ҳар бир муаллимнинг бир ой давомида амалга оширган ижодий ишларини таҳлил қилиб боради. Шунингдек, ҳар чорак якунида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти фанлар бўйича мониторинг қилиб борилади. Мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, ўқувчилар ўзлаштиришида аниқланган камчиликларни тўлдириш учун ҳар бир фандан қўшимча машғулотлар ташкил этилади.

Албатта, мактабда бу каби муваффақиятлар, мақтаса арзигулик ишлар яна кўплаб топилади. Муҳими, жамоа сидқидилдан ишламоқда. Шундай мактаб жамоалари юртимизда кўпайса, халқ таълими тизимидаги улуғвор ишлар салмоғи ортаверади.

О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Osteoxondroz va disk churrasi bilan og'rigan bemorlar bir-birlaridan keskin farq qiladilar. Shuning uchun disk churrasi (grijasi) deb qo'yilgan tashxis bu hali to'la va oxirgi tashxis emas.

Eng asosiysi, birovning yordamiga muhtojlik yo'qoldi, qo'ltiqtayoqsiz bemalol yura oladigan bo'ldim.

ОСТЕОХОНДРОЗ ВА ДИСК ЧУРРАСИ:

УЛАРНИНГ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИСИЗ ДАВОСИ БОРМИ?

Сўнгги йилларда ҳаракат-таянч аъзоларидаги касалликлар (бош, бўйин, елка, кўкрак, бел-думғаза, қўл-оёқлардаги оғриқлар) билан озор чекаётган дардмандлар жуда кўп учрамоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг расмий маълумотларига кўра Буюк Британияда 1994 йили юқорида зикр қилинган касалликлар туфайли 50 млн. киши вақтинча иш фаолиятини йўқотган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилга келиб 90 млн.га етган. Профессор Я.Ю.Попелянский (Москва, «МЕДпресс-информ», 2003.), В.Ф.Кузнецов (Минск, «Книжный Дом», 2004)ларнинг расмий маълумотига кўра, Россия Федерациясида вертеброген (остеохондроз ва унинг асоратлари) касалликлари билан оғриган беморлар грипп ва уйда шикастланишлар кўрсаткичидан кейинги ўринда туради. Ногиронлик келтириб чиқариш бўйича эса юракқон томирлари касалликлари билан бир ўринда туради. Кўриниб турибдики, остеохондроз касаллиги аҳоли орасида жуда кенг тарқалган бўлиб, ижтимоий муаммога айланмоқда. Республикамизда ҳам бундай касалликларга чалиниб, дардига даво излаб юрган беморлар кам эмас.

Шунинг учун бўлса керак «Ma'rifat» газетасида чоп этилган «УМУРТҚА ЧУРРА(ГРИЖА)СИ: Уни операция қилиш шарт эмас!» мақоласидан кейин бўлаётган мурожаатлар, қўнғироқлар кўпайиб, бу муаммони тўлароқ ёритишимизни, хусусан, бу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, ташхис қўйиш ва самарали даволаш усуллари ва шу муаммо билан шуғулланаётган тиббиёт муассасалари тўғрисида кенгроқ маълумот беришимизни сўрашмоқда.

Шунинг учун ҳам сўралган саволларимизга жавоб олиш учун ижодий гуруҳимиз билан неврология ва терапия мутахассислигига ихтисослашган, бугунги кунда одамлар орасида обрў-эътибор қозонган «MONADA-AMON» шифохонасининг раҳбари, хитойлик профессор Ван Вай Ченнинг шогирди, тиббиёт фанлари номзоди Амон Хожаевга мурожаат қилдик.

Буни мутахассис индивидуал х[illegible] бир беморни остеохондроз ҳамда унинг асоратлари қандай ҳолатда эканлигини ва бошқа сабабларини аниқлаб, шундан кейингина беморни қандай усул билан даволаш кераклигини аниқлаши лозим.

Ўн-ўн беш йиллик ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатмоқдки, кўплаб мутахассислардан «Сизни операциясиз даволашнинг ҳеч иложи йўқ» деган гапни эшитган бир неча юз беморлар бизнинг шифохонамизда Европа ва Шарқ тиббиёти усулида ташхис қўйилиб, даволангандан кейин тузалиб кетганлигига жонли гувоҳ бўлганмиз. Бир нечта шундай касалларнинг фикрлари архивимиздаги видеолавҳаларда сақланмоқда.

— Юқорида вертеброневролог мутахассис ҳақида гапирдингиз. Бу қанақа мутахассислик?

— "Vertebro" лотинча сўз бўлиб, умуртқа деган маънони беради. Умуртқа поғосанининг шикастланиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар бил[illegible] шуғулланадиган мутахассис ортопед-вертеброневролог дейилади. Остеохондроз ва диск чурраларида нафақат умуртқа поғонаси шикастланади, балки орқа мия, периферик нерв толалари, бўғим ва пайлар, зиотера[illegible]т, терапевт-УЗИ бўйича мутахассис, врач-лаборантлар фаолият кўрсатмоқда. Врач-неврологлар рефлексотерапия, вертеброневрология бўйича малакасини оширган. Шифохонамиз замонавий ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт аппаратуралари билан жиҳозланган. Беморлар стационар ва кундузги стационар шароитида даволаниши учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Беморларга ташхис қўйишда замонавий Европа ва Шарқ тиббиёти усулларидан фойдаланилади. Мисол учун невролог кўригидан кейин уч ўлчамли УЗИ аппаратида беморнинг барча аъзолари текширилади. Шу жумладан, юракни УЗИда текшириш ҳам ўтказилади. Компьютерли ЭКГ аппаратида кардиолог текширувидан ўтади. Олий тоифали врач-лаборант назоратида лаборатория таҳлиллари ўтказилади. Лозим бўлса электромиограф аппаратида мушак ва нерв-ларнинг фаолияти текширилади. Шунингдек, канал меридиан тизимидаги ўзгаришлар Шарқ тиббиёти усулида текширилади. Эҳтиёж туғилганда эса компьютер томографияси, МРТ, рентген ва бошқа текширишлардан ўтишга йўлланма берилади.

Беморга аниқ ташхис қўйилгач, унинг морга индивидуал — унинг касаллигининг оғир-енгиллигига, ўткир ёки сурункалилигига, қандай асоратлар қай даражада лангандан кейин бемор ўн кун даволангандан сўнг аҳволи яхшиланиб, бутунлай тузалиб кетишига ишонч ҳосил қилди.

ҳам ўтди, турли-туман дорилар, уколлар олдим. Наф бериш ўрнига оғриқ кучайди. Юролмай қолдим. Бу ерда укам Абдумажид даволаниб, унинг беш миллиметрли чурраси яхши бўлиб кетганди. Сиз ҳам «грижа»га ўхшайсиз, боринг деб қўймади.

Бу ерга икки киши икки қўлтиғимдан кўтариб қаттиқ оғриқлар билан поездда етиб келдим. Амон ака текширгач, грижангиз бор деди. Компьютерга тушишимни айтди, лекин оғриққа чидай олмаганимдан бора олмадим. Уч кун даволанганимдан кейин сал ўзимга келгач «МДС-сервис»га бориб компьютер томография қилдирдим. Қисқаси, битта чуррам бор экану, лекин 7х12 мм катталикда экан.

Ўн кун муолажа олиб, аҳволим яхшиланди. Оғриқларим йўқ бўлди. Энг асосийси, бировнинг ёрдамига муҳтожлик йўқолди, қўлтиқтаёксиз бемалол юра оладиган бўлдим. Шифокорлардан минг-минг розиман. Катта раҳмат!

А.Хожаев шарҳи: — Юқоридаги укамиз мисолида шуни таъкидламоқчимизки, беморнинг аҳволи қанчалик оғир бўлмасин, унга тўғри ташхис қўйилиб, тўлиқ ва аниқ муолажа ўтказилганида улар самарали даволаниб, оёққа туриб кетиши мумкин. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, бу сурункали, йиллар давомида пайдо бўладиган касаллик. Шунинг учун бу касалликни босқичма-босқич даволаб бориш керак. Бизда ўн кун даволангач, беморларга уч ой давомида нима қилиш-қилмаслик кераклиги тушунтирилиб ёзма равишда берилади. Уч ойдан кейин қайта текширилиб, яна ўн кун даволанади. Ва олти ой муддатга тавсиялар берилади. Келажакда яна бир марта даволангандан кейин қайта компьютер томография қилиниб биринчиси билан солиштириб кўрилади. Бизнинг тавсиямизга тўлиқ амал қилган беморларда диск чурралари нисбатан кичрайиб, баъзиларида бутунлай йўқолиб, соғломлашиб кетмоқдалар. Лекин бундай беморлар ҳар доим ўзларини эҳтиёт қилиб, тавсияларимизга амал қилиб юришлари лозим. Ана шундай руҳий тайёргарликка эга бўлган беморларни «MONADA-AMON» шифохонаси муваффақиятли даволай олади.

ОСТЕОХОНДРОЗ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ

— Амон ака, бугунги кунда ҳақиқатан ҳам кўпчилик, ҳатто, ёшлар орасида ҳам остеохондроз ва унинг асоратлари, хусусан диск чурраси касаллиги билан оғриб, муолажалару дори-дармонлар олишларига қарамасдан дардларига даво тополмасдан юрган беморларнинг сони кўпаймоқда. Умуман, бу қандай касаллик, унинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Нима учун бир неча жойларда даволанишига қарамасдан баъзи беморлар тузалиб кетмаяпти?

— Ҳаракат-таянч аъзоларидаги касалликлар, шу жумладан остеохондроз кўпчилик ўйлаганидек оддий туз йиғилиши натижасидагина пайдо бўлган хасталик эмас, балки бу организмда кечадиган чўқур патологик жараён туфайли келиб чиқадиган жуда ҳам мураккаб, сурункали касаллик ҳисобланади.

Умуртқа поғонаси одам организмида ҳаракат-таянч аъзоларининг асоси ҳисобланади. Умуртқалар орасида диск бўлиб, бу диск умуртқаларни бир-бирига бириктириб туради, шу билан бирга амортизация вазифасини бажаради ва умуртқанинг ҳаракатланишини таъминлайди. Умуртқалар орасидаги ушбу дискнинг емирилиши **остеохондроз** дейилади.



1 — умуртқа диски (нормал ҳолати)
2 — умуртқа орасидаги тешик (нормал ҳолати)
3 — диск чуррасидаги ҳолат
4 — диск чуррасида умуртқа орасидаги тешик

Бунинг натижасида умуртқалар орасидаги бўғим емирилади — бу **спонделоартроз** дейилади. Умуртқа дискининг ёрилиши натижасида унинг ичидаги ядроси сиқилиб, ташқарига чиқади ва **диск чурраси (грижаси)** пайдо бўлади. Мазкур патологик жараёнлар умуртқанинг кийшайишига олиб келади. Бу эса **сколиоз** дейилади. Натижада умуртқа орасидаги масофа қисқаради ва орқа миядан периферик нервлар чиқадиган умуртқаларароғ тешик қисилади. Бунинг оқибатида периферик нерв толалари эзилади. Натижада бош миядан орқа миягача келган импульс эзилган периферик нерв толаларидан



Кесилган ҳолатда нормада умуртқа диски



Остеохондрозда дискнинг ҳолати

ўтказиш, тўғри ва тўла ташхис қўйиш лозим.

— Бундай беморлар тўғри ва тўла ташхис қўйиш учун қандай мутахассисларга мурожаат қилишлари керак?

— Остеохондроз ва унинг асоратлари, шу жумладан, диск чурралари жуда чўқур патологик жараён эканлигини ҳисобга олиб, бундай беморларни вертеброневрология бўйича малакасини оширган юқори малакали врач-неврологлар текшириб, компьютер ёки магнитли-резонансли томографиясида текширувдан ўтказиб, касалликнинг боскичини, шунингдек, қандай асоратлар келтириб чиқарганлигини аниқлаб, шундан кейингина уларга муолажа ўтказиш режасини тузиб чиқишлари керак. Шу ўринда айтиш лозимки, остеохондроз ва диск чурраси билан оғриган беморлар бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Шунинг учун диск чурраси (грыжаси) деб қўйилган ташхис бу ҳали тўла ва охирги ташхис эмас. Чунки баъзи беморларда диск чурралари катта бўлишига қарамасдан периферик нерв толасини эзмайдилар. Баъзи бир беморларда диск чурралари уч-тўрт миллиметр бўлса ҳам улар нерв толаларининг илдизини эзади, натижада қайси нервларни эзишига ва қайси умуртқанинг орасида пайдо бўлишига қараб қўл ёки оёкларда қаттиқ оғриқ, тортишиш, ўюшиш, совқотиш, ҳаракатланганда оғриқларнинг кучайиши каби касалликлар белгиларини келтириб чиқаради. Баъзи беморларда эса диск чурралари орқа мияни эзиб, унинг фаолиятини бутунлай бузиб қўйиш хавфини туғдиради. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда умуртқаларнинг силжиши, умуртқалар ёнидаги пайларнинг, мушакларнинг яллиғланиши, шунингдек, умуртқалар орасидаги дискларда кисталар, ўсимталар пайдо бўлиши ва бошқа асоратлар бўлиши мумкин. Шунинг учун компьютер томографиясида диск чурраси мавжудлигини кўриб, беморни ҳар томонлама текширмасдан, унинг умумий ҳолатини ҳисобга олмасдан «фақат жарроҳлик усули билан даволаш мумкин, бошқа муолажалар ёрдам бермайди» деган фикрларга қўшилмайман. Чунки беморда диск чурраси бўлиши мумкин, лекин уни қийнаётган оғриқлар ва касалликнинг бошқа белгиларини келтириб чиқиш сабаби диск чуррасидан эмас, бошқа сабаблар бўлиши мумкин. қон томирлар ва бошқа тўқим[illegible]ар ҳам шикастланади ҳамда яллиғлан[illegible]и. Бундан ташқари ўн иккита жуфт, иккита тоқ ва саккизта мўъжизали канал-меридиан тизимларидаги қувватнинг мувозанати бузилади. Шунинг учун вертеброневролог, албатта, ортопедия, вертебрологияни билиш билан бир қаторда неврология, мануал терапия, рефлексотерапия мутахассисликларини ҳам мукаммал ўзлаштириб, уларни мужассамлаштириб, Европа ва Шарқ тиббиёти усулларида ташхис қўйиб, даволай оладиган мутахассисдир. Бугунги кунда Европа давлатларида вертеброневролог мутахассислиги тасдиқланган.

— «Monada-Amon» шифохонасидаги ташхис қўйиш ва даволаш усуллари бошқа шифохоналардан нимаси билан фарқ қилади?

— Мен фалакнинг гардиши билан ўн йил давомида Россия Федерациясининг Новокузнецк врачлар малакасини ошириш институтининг Рефлексотерапия, неврология кафедрасининг мудири, хитойлик профессор Ван Вай Чен раҳбарлигида бир неча марта вертеброневролог[illegible], рефлексотерапия, мануал терапия мутахассисликлари бўйича малакамни ошириб, унинг «Элегомед» тиббиёт марказида ишлашга муяссар бўлганман. 1998 йилда эса Прокопьевск шаҳрида «MONADA-AMON» шифохонасини очиб, 2003 йилгача юқорида таъкидланган мутахассисликлар бўйича минглаб беморларни даволаганман. 2003 йилдан бошлаб «MONADA-AMON» тиббиёт маркази Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини кўрсата бошлади. Шифохонада юқори малакали, олий тоифали бир неча врач-невролог, терапевт-кардиолог, фи-





организми ҳолатини ҳисобга олиб, муолажаларга қарама-қаршилик бор ёки йўқлиги ҳисобга олиниб, ҳар бир беморга индивидуал даволаш режаси тузилади. Остеохондроз ва унинг неврологик асоратлари, шу жумладан, диск чурраларини даволашда энг замонавий тиббиёт асбобларидан фойдаланилади. Масалан, Щвейцарияда ишлаб чиқарилган зарбали-тўлқинли терапия аппарати ёрдамида тузлар, қотиб қолган пай ва мушаклар юмшатилади ва сўрдирилади, ўрнига соғлом янги тўқима ўсиб чиқади.

Махсус шарқона уқалаш йўли билан қотиб қолган пайлар, мушаклар юмшатилади. Умуртқа поғонаси атрофида магнит майдонлари ҳосил қилиниб, энг чўқур жойлашган умуртқаларни бир-бирига бириктириб турувчи пайлар ва мушаклар юмшатилади. Умуртқалар компьютерли чўзиш аппаратида тортилади ва беморга махсус карсет кийгизилади. Компьютерли лазер аппаратида рефлексотерапия ва лазеротерапия ўтказилади. Бундан ташқари махсус аппаратлар ёрдамида патологик жараён кечган жойларга электроток ёрдамида яллиғланишга қарши ва оғриқ қолдирувчи дорилар сўрдирилади. Жумладан, диск чуррасини эритиб юборувчи дорилар ҳам сўрдирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бундай беморларни даволаш жараёни ҳар бир бекечаётганлигига ва беморнинг умумий аҳволига қараб ўтказилиши лозим. Беморни тўла ва самарали даволаш гарови, биринчидан, беморга қўйилган ташхиснинг тўғрилиги ва тўлиқлигига, иккинчидан, шу организмда кечаётган патологик жараёнларнинг қандайлигига қараб касалликни келтириб чиқараётган сабабига йўналган муолажалар ўтказилишига боғлиқ. Масалан, бир беморимиз бизга шикоят қилганида тўрт йилдан бери шифохонама-шифохона юриб, кўп жойларда даволанганлигига қарамасдан аҳволи кундан кунга ёмонлашаётганлиги, тушкунликка тушиб, энди тузалишга умиди қолмаётганидан шикоят қилди. Беморнинг тиббиёт тарихини ўрганганимизда беморга УЗИ аппаратида кўриб ва рентген қилиб тизза бўғимларидаги артроз ташхиси қўйилган ва шунга кўра даволанган. Бизнинг текширишларимиз шуни кўрсатдики, беморда ҳақиқатан ҳам иккинчи даражали тизза бўғими артрози борлиги аниқланди, лекин бундан ташқари остеохондроз, спондилоартроз, скалиоз ва 4-5, 5-1 белдумғаза умуртқаларида иккита диск чурраси ва полиродиколапатия борлиги аниқланди.

Беморлари оғриқлар ва касалликлар белгилари остеоартроздан эмас, балки биз юқорида келтирган ташхислар туфайли келиб чиқаётганлиги аниқланиб, тасдиқ-

«ГРИЖАДАН ҚУТУЛИШ УЧУН ЎЗИМДА ИШОНЧ ПАЙДО БЎЛДИ»

Абдуҳамид Шарипов, 1965 йили Денов туманида туғилган, фермер:

— Ўтган йили август ойида белимда оғриқ бошланиб, сал ўтмай чап оёғимга

«MONADA-AMON» шифохонасининг манзили:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ф.Норходжаева кўчаси, 52-уй.
Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси, «Узбум» бекати.
Автобуслар: 7, 12, 26, 37, 68, 81, 93, 120
Маршрутли таксилар: 11, 23, 61, 70, 136, 152, 191
Трамвайлар: 9, 13. «Норходжаева» бекати
тел.+998973383515, +998971193210

Кичик халқа йўли бўйлаб Шимолий вокзал ёнидаги туннелдан ўтгандан кейин ўнг тарафга – Қўйлиқ массивига кетадиган кўприкка чиқилади ва «Фарғона йўли» кўчаси бўйлаб «Узбум» бекатигача борилиб, ўнг тарафдаги «Ҳамал» кўчасига бурилади. 200 метр юрилгандан кейин трамвай линияси ўтган жойда чап тарафдаги икки қаватли бино. Қуйида харита ҳам эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

P.S. Муаллиф розилигисиз мақолада келтирилган маълумотлардан фойдаланиш ва чоп этиш ман қилинади.

БОШ ҚАҲРАМОН – САРКАРДА АЁЛ

Адабиёт тарихида ватанпарвар, жасур, мард ва фидойи саркарда аёллар тимсоли ифодаланган асарлар талайгина. Асрлар давомида қўлдан-қўлга ўтиб келаётган "Тўмарис" афсонасида ҳам юрагида юртига бўлган меҳр туфайли жасорат кўрсатган аёл образи гўзал талқин этилган. Худди шундай маликалардан яна бири Қурбонжон Мамат қизи, яъни "Олой Маликаси"га 1865 йилда саркарда унвони берилган.

Ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг "Қора шаҳзода" романи ҳозирги замон ўзбек адабиётига худди шундай ватанпарвар, жасур ва мард аёл образини ифодаловчи асар сифатида кириб келди. Романда аёл руҳиятига хос бўлган чуқур психологик кечинмалар ифодаси, Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат ўта мураккаб бўлмаган тарзда содда ва равон баён этилган. Чунончи, асарни ўқиш жараёнида тўқима образлар талқинидан ёзувчининг маҳорати яққол намоён бўлишини ўқувчи ҳис этади.

Асарнинг бош қаҳрамони мард ва ботир қора шаҳзода образи орқали ижобий фазилатларини очиб бера олган. Ўз ўрнида қўлланилган аёл руҳиятига хос ҳаё-ибо, андиша каби туйғулар саркарда аёл, яъни бош қаҳрамонда тўлақонли мужассам эканлиги ҳам асарда яққол намоён бўлади.

"Малика беғараз кулганча ўрнидан турди, остонада бегона эркакларни кўриб, рўмоли учи билан оғзини ёпиб, ерга қараганча, уларни четлаб ўтаркан, салом берди-да, орқа-олдига қарамай, шитоб билан кўча томон юрди."

Ўзбек аёлига хос андиша ҳамда эркаклардаги метин ирода бош биргина ўзбек аёлининг юртга бўлган муҳаббати туфайли кўрсатган жасорати жонли очиб берилган. Шу билан бир қаторда, бу жасур маликанинг ожиза эканлиги ҳам ёзувчи томонидан ўз ўрнида ифодаланган:

"Маликанинг оёқлари қалтирар, илоҳим, бахтимизга кўз тегмасин, дея илтижо қилиб турар, қоп-қора булутларга ҳорғин назар соларкан, нечундир юраги ғаш эди..."

Ёзувчи табиатга боғлиқ бадиий тасвири орқали бош қаҳрамоннинг қаҳрамон характерида умумлашганда, асар ҳам мазмун жиҳатдан, ҳам бадиийлик томонидан кульминацион нуқтага бориб етади. Бу ҳолат салбий қаҳрамонлар ифодаси орқали ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни яна бир бор юзага олиб чиқади.

Романдаги тарихий жанглар тасвири жонли ифодаланган бўлиб, салбий қаҳрамонлар Мелкумян, Зевгарбек образларидаги шайтоний туйғулар, жамики разилликлар уларнинг сўзларидаёқ уфуриб туради. Зевгарбек қалбидаги Ватанига хоинликни аёл саркарданинг юртпарварлигига қиёсан яна ҳам кўпроқ ҳис этиш мумкин.

Инсон қалбидаги буюк туйғулардан бири саналмиш муҳаббат, вафо ва садоқат асар қаҳрамонлари қалбида яширинча бўй кўрсатади. Ёзувчи бу нозик туйғуларни ортиқча ҳиссиётларсиз ифодалаб, ўзига хос услуб ярата олган. Маликанинг ёри — Баҳодирга бўлган муҳаббати ҳар қанча кучли бўлмасин, айрилиқ вақтида тушкунликка тушмай ўзини эр кишидек қўлга олиб, юртига бўлган муҳаббатини биринчи ўринга қўйиши, ёвга қарши мардона жанг олиб бориши ҳар бир бобда ўз ифодасини топиб, асар мазмуни бўлмиш – Аёл жасорати ва садоқатини тўла очиб берган.

Ушбу асар мутолааси ўқувчи қалбида Ватан ва миллат, халқ ва юртга меҳрни шакллантиради. Қолаверса, китобхоннинг Малика образи орқали мард, жасур ҳамда садоқатли аждодларимизнинг намунали ва тилларда достон бўлгучи фазилатларидан ўрнак олиши ажаб эмас.

Гулюз ОРИФЖОНОВА

Kitob javoningizga

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Педагогика фанлари доктори Қундузхон Ҳусанбоеванинг «Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили» номли монографияси нашрдан чиқди. Филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиев монографиянинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб: *«Мазкур китобда бугунги адабий таълим тизимида ўқитувчиларнинг олдида турган қатор саволларга жавоб ва юзлаб муаммоларга ечим бор. Унда муаллифнинг назарий қарашлари амалий намуналари билан тавсия этилган. Ундаги дарс ишланмаларида бир қатор мавзуларни ўрганиш намунаси тақдим этилганки, ўқитувчилар, бўлажак муаллимлар ўз фаолиятларида бемалол уларга таяниши, асосланиши мумкин»*лигини таъкидлайди.

Монография тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унинг «Назарий чизгилар» номли биринчи қисмида муаллиф бугунги ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга йўналтириш учун дарс жараёнини қандай ташкил этиш йўлларини кўрсатган. Ушбу бўлимда мустақил фикрлаш асослаб берилган. Адабий таълимда мустақил фикрлашнинг аҳамияти бошқача эканлиги яхши ёритилган ва қарашлар психологик, педагогик жиҳатдан назарий асосланган. «Амалиётнинг назарий чизгилари» деб номланган иккинчи бўлимда муаллиф аввалги назарий қарашларини ривожлантирган. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтиришда бир қатор асарлардан фойдаланишни тавсия этган.

Шунингдек, мазкур монография талабаларнинг кундалик амалий фаолиятида ҳам, таълим жараёнида ҳам катта ёрдам бериб, ҳаётий-амалий далиллар билан асослаб берилган.

Ўғилой МАВЛОНОВА

ТАРИХ МУЗЕЙИ ИШ БОШЛАДИ

Ижобий маънодаги ташаббускорлик ёки янгиликка интилишни кўрсак, эшитсак ёки бундай ҳолатнинг гувоҳи бўлсак, шубҳасиз, дилимиз ёришади. Агар бундай ўзгаришлар мактаб миқёсида бўлса, янада эътиборли. Навоий шаҳридаги 10-мактаб республикамиздаги ана шундай ўқув даргоҳларидан биридир.

Ёшларнинг дарсдан кейинги бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида мактабда турли фан тўгаракларини ташкил этилган. Хусусан, информатика фани бўйича «Ёш дастурчи», инглиз тилидан — «Таржимон», тарихдан — «Мерос», ҳуқуқ фанидан — «Ёш ҳуқуқшунос», адабиётдан — «Ёш қаламкаш», шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларига «Чиройли ёзув» тўгаракларини фаолияти йўлга қўйилган. Уларга таълим олувчиларнинг 80 фоизга яқини жалб этилган.

Ўқув даргоҳининг меҳнаткаш ва фаол жамоаси аъзолари олдига мақсад қўйиб, унга эришиш йўлида тинимсиз изланадилар. Шу сабаб ҳам уларнинг меҳнатлари ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, 2008—2009 ўқув йилида меҳнат фани ўқитувчиси Шониёз Исломов ва амалиётчи-психолог Сожида Бобомуродова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этди.

Мактаб ўқувчилари ҳам барча муваффақиятлар омили меҳнатда эканлигини теран идрок этишади.

— Мактаб — билим ва зиё маскани бўлиш билан биргаликда ёшларни нурли келажак сари чорлайди, — дейди мактаб директори Зиёда Мирбоболева. — Уларга эришиш учун зарур билимлар пойдевори қурилади. Демак, мактаб миллатнинг ҳар бир вакили қалбида болаликдан фахр туйғусини шакллантирадиган макондир.

Дарҳақиқат, миллий қадриятлар тушунчаси, халқнинг маънавий ва маданий мероси билан таништириш, аввало, мактабдан бошланади. Буни яхши англаган жамоа раҳбари бошқа ўқув муассасаларига ҳам ибрат бўладиган ишга қўл урди. Аниқроғи, ўқувчиларнинг мамлакатимиз ўтмишига бўлган ҳурматини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг бошида тарих фани ўқитувчиси Гулнора Ўринова ташаббуси билан тарих музейи ташкил этилди. Эътиборлиси, музей экспонатлари таълим даргоҳи устоз-мураббийлари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан тўпланиб, мунтазам равишда бойитиб борилмоқда.

Ўтиб кетаётган ҳар бир кун эришилган ютуқларни сарҳисоб қилишга ундайди. Эртанги кун эса мақсад ва режалар, орзу-ниятларни амалга оширишга имкон туғилаётганидан дарак беради. Бугун намунали фаолияти билан эътиборга тушган 10-мактаб устозлари ва ўқувчилари ана шу икки қоидага амал қилиб, эришган ютуқлари билан чекланмай, балки уларнинг сафини янада кенгайтириш учун тинимсиз ҳаракатда бўлишга интилмоқда.

Н. РУСТАМБЕКОВА



Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

«O'zbek amazonkalari» nomeri ko'pchilikning olqishiga sazovor bo'lib, Ginnesning rekordlar kitobiga kiritildi.

Diqqat, yangi rukn: **G'alabaning siri nimada?**

От ҳамиша жасорат, садоқат, мардлик ва хайру барака тимсоли бўлиб келган. От билан катта-катта марралар забт этилган, ғанимларнинг йўли тўсилган. Яна шуниси эътиборлики, ўзбек циркининг равнақи, дунёга танилишида ҳам чавандозлик санъатининг алоҳида ўрни бор. Бу хусусда гап кетганда эса, албатта, Карим Зарипов бошлаб берган сулола вакилларининг хизмати беиҳоя эканини тилга олиб ўтиш жоиз. Биринчи ўзбек аёл чавандозлари ҳам ана шу машҳур сулоланинг аъзоларидир. 1928 йили сайёр цирк труппасини тузган Карим қизиқ билан ёнма-ён саҳнага чиққан умр йўлдоши Муборак ая, «Ўзбек амазонкаси» номини олиб, жаҳонни лол қолдирган Холида Зарипова, саксондан ошган бўлса-да, ҳамон цирк ҳаёти билан уйғун яшаётган Ҳаким Зарипов, Парижда бўлиб ўтган халқаро фестивалда энг олий мукофот — олтин медаль билан тақдирланган Карима Зарипова... Уларнинг ҳар бири босиб ўтган йўл бир китоб, бир ибрат мактабидир.

Хўш, бугунги ёшларимиз бу анъаналарни қандай давом эттиришмоқда? Эртага ҳам дунёга довруғ солгулик чавандозларимиз билан фахрланмоғимиз учун бугун қандай замин ҳозирланмоқда? Ана шу каби саволларимизга жавоб олмоқ учун Зариповлар сулоласининг муносиб вакиласи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, чавандоз, айни кунда Республика эстрада-цирк коллежига раҳбари Карима Зарипова билан суҳбатда бўлдик.

ОТ УСТИДАГИ МУЪЖИЗА

ёки ўзбек цирки халқаро «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилди

— Инсоннинг, хушфеъл, қатъиятли, соғлом ва бақувват бўлиб улғайишида отга меҳр қўйиш, у билан машғулотлар олиб боришнинг ҳиссаси катта дейишади. Назаримда, бу хосиятли жонивор одамзотга ўзгача садоқатли бўлади. Бунга мисол тариқасида биргина Алпомишнинг Бойчиборини эслаш кифоя. Сиз Уфқбекдек тулпори билан дунё кезган чавандоз сифатида бу ҳолатни қандай таърифлаган бўлардингиз?

— Келинг, яхшиси сизга ҳаётий воқеликларни сўзлаб бера қолай. Ҳаким Зариповнинг отасидан қолган Шабада лақабли ғаройиб оти бўларди. У шамол каби елганда худди қора шаҳзодага айланарди. Тулпорнинг довруғи бутун дунёга таралади. Ҳаким Зариповнинг муваффақиятлари отида деб билган айрим ҳимсалар Шабадани ўғирлаб кетишади. У киши тулпорини туну кун излаб охири ўлигини бир чуқурликдан топади. Маълум бўладики, от ўғриларнинг қора ниятини англаб, уларнинг қўлидан қочади ва ўзини-ўзи ҳалок қилади. Чавандоз то яқинлари келгунича отини қучиб фарёд чекади. Эхтиром билан Шабадани дафн этади.

Отдан айрилиқ азобини ўзим ҳам татиб кўрганман. Уфқбек оламдан ўтгандан буён қайта от эгарини тутиб саҳнага чиқишни тасаввур эта олмайман. Бу аламни унутиш учун ҳам вақт, катта сабот керак назаримда...

Сиз айтиб ўтганингиздек, от билан муттасил мулоқотда бўлиш инсоннинг чайир, собитқадам, сўзида қатъий турувчи, кенг мушоҳада юритувчи, ўз ҳаётий қарашларига эга шахс сифатида намоён бўлишига замин яратади.

Циркда ишлаб юрган кезларим ёнимга қўл-оёқлари фалаж болани олиб келишганди. Не ажабки, уни эгарга ўтказишим билан бармоқлари қимирлай бошлаган, назаримда ёки ҳайрат, ёки яшаш иштиёқи уни тирмашиб ҳаракат қилишга ундаган, унда ўзига ишонч уйғотганди. Ҳар гал шу ҳолат кўз ўнгимга келса, отдаги беназир хосиятларнинг янги-янги қирраларини кашф этгандай бўлавераман. Яна бир нарсани таъкидлашни истардимки, бу фариштали ҳайвон фақат кўнгли тоза, яхши ниятли кишиларгагина бўйин эгади. Ҳаммани ҳам олдига яқинлаштиравермайди.

— Мазкур санъат турини ривожлантириш, цирк, хусусан, чавандозлик борасида эришилган муваффақиятларни қўлдан бермаслик учун коллежда қандай ижобий ишлар амалга оширилаяпти?

— Илм масканининг 2008 йили реконструкция қилиниши имкониятларимиз доирасини кенгайтирди. Аввалари бор-йўғи икки юз эллик нафар ўқувчи таҳсил олиши мўлжалланган даргоҳда айни кунда тўрт юз элликдан ортиқ ёшлар цирк санъати, эстрада-замонавий рақс, эстрада-актёрлик санъати, эстрада созандалик, эстрада хонандалик йўналишлари бўйича амалий ва назарий билим олмоқда. Реконструкция давомида турли тадбирлар ўтказилишига мўлжалланган катта зал қурилди. Биз Ўзбекистон давлат цирки, театрлар билан шартномалар тузганмизки, ўқувчиларимиз олган назарий билимларини мазкур масканларда амалий жиҳатдан мустаҳкамлашларига имконият яратилган.

Дейлик, Ўзбекистон давлат циркида манеж бор. У ерда отлар билан шуғулланиш, ҳаво машқларини бажариш ҳам қулай. Театрларнинг саҳналари эса истеъдод соҳибларининг маълум маънода элнинг олдига чиқишига, устоз санъаткорлар билан юзлашиб, улар билан ёнма-ён ижод қилишларига имкон беради.

Ўқувчиларимиз мустақил ҳаётга тайёр мутахассислар бўлиб етишаётгани мени суюнтиради. Негаки, биз битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласида камдан-кам муаммога дуч келамиз. Аксарият ҳолларда йигит-қизларимиз амалиётлари давомида ўзларига иш ўринлари ҳам ҳозирлашади.

Цирк санъатини ривожлантириш, унинг келажагини яратиш масаласи ғоят жиддий масаладир. Негаки, мазкур соҳага йўналтирилган илм маскани республикада ягона. Лекин цирк артистларини тайёрлаш учун болани уч-беш ёшидан бошлаб тарбиялаш лозим.

Маълумки, одам улғайгани сари суяклар қотиб боради. Мени илк бора уч ёшимда отга ўтқазишган экан. Шундан сўнг муттасил шуғуллантиришган. Ана шуларни ҳисобга олиб, коллеж ҳузурида студия ташкил этганмиз. Айни кунда цирк санъати йўналишидаги гуруҳларда таҳсил олаётган ёшларимизнинг аксарияти шу студиянинг қатнашчилари.

Ўзбекистон чавандозлари эришган ютуқларни давом эттираётган ёшларимиз билан фахрлансак арзийди. Хусусан, укам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улуғбек Зарипов раҳбарлигида бир гуруҳ толиби илмларимизнинг Хитойда бўлиб ўтган цирк фестивалида муваффақиятли иштирок этишларининг ўзи катта воқелик бўлди. Мазкур нуфузли спорт байрамида Улуғбек томонидан яратилган «Ўзбек амазонкалари» чиқиши кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлиб, **Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.** Уч чавандоз қизнинг от устида ижро этган «Шамчироқ», «Отнинг қорнида», «Жарлик» номини олган чиқишлари томошабинларда катта ҳайрат уйғотди. Негаки, «Ўзбек амазонкалари» хавфли, бошни айлантириб юборувчи машқларни отда чаққонлик билан бажарадиларки, бунга ҳар ким ҳам журъат эта олмайди.

Тасаввур этинг-а, дақиқа ичида қизлар елдек учиб бораётган отга илдамлик билан чиқиб олишади. Сўнгра бири унинг тагига чирмашиб олса, иккинчиси отнинг узунлиги бўйлаб кўндаланг туради. Учинчиси эса отнинг елкасида қаддини ғоз тутганча тик туради. Шу тариқа улар зал бўйлаб айланиб чиқишади...

Шуни унутмаслик керакки, Хитойда цирк санъати ниҳоятда юқори баҳоланади. Истеъдод эгаларини аниқлаб, улар билан беш ёшидан бошлаб махсус шуғулланишади. Демоқчиманки, хитойликларни лол қолдириш бизнинг «Ўзбек амазонкалари»га осон бўлмаган. Бу каби ютуқлар чавандозлик санъати ворислар қўлида муносиб давом эттирилаётганини далиллаб турибди.

— Ўзбек циркининг келажаги маълум маънода сиз раҳбарлик қилаётган даргоҳда таҳсил олаётган ёшларнинг иқтидори, изланишлари, меҳнатлари самараси билан чамбарчас боғланиб кетган. Шогирдларингиз орасида ана шундай эртага юртимиз шону шавкатини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қиладиганлари кўп бўлса керак, албатта.

— Бундан йигирма, ўттиз йиллар бурун хориж сафарларида бўлганимда «Ўзбекистонданман» десам, «Қаерда у?» дея елка қисишарди. Шундай пайтлари, тўғриси, жуда хўрлигим келар, йиғлардим ҳам. Бу аламни фақат таъмини тотганларгина билади. Шукрки, истиқлол йилларида мамлакатимизни дунё таниди, тан олди.

Ўзбекистон номидан саҳнага чиққанимда, номерим ниҳоясида отдан тушиб, «Андижон полкаси»га рақсга туша бошлаганимда юртим шарафига олқишлар ёғилади, томошабинлар «Ўзбекистон» дея жўр бўлиб чапак чалишади. Баъзан беллашувларга кетган шогирдларим телефон қилиб: «Устоз, сизни, Зариповларни бу ерда ҳам билишаркан. Ўзбекистонлик чавандозларми, дея сўрашаяпти», дейишади. Шунда ғурурланиб кетаман. Бу фахр олдимга қатор масалаларни кўндаланг қўя бошлайди.

Умидли ёшларимиз жуда кўп. Уларни номма-ном тилга олишга тўғриси қизғанаман. Навқирон истеъдод соҳибларини «юлдузлик» касалидан ҳимоя қилишимиз, ҳамиша эгаллашлари мумкин бўлган марралар олдинда эканига руҳлантириб туришимиз керак. Яхшиси, фидойи, заҳматкаш мураббийларимизни ҳурмат билан тилга олиб ўтсам: цирк ва эстрада кафедраси мудири Ойдинхон Тошкенбоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юнус Тўраев, эстрада хонандачилиги ва созандачилиги кафедраси мудири Феруза Бўлатова, чавандоз, акробат Шерзод Зарипов...

Мазкур устозлар ёшларимизнинг иқтидорини камол топтириш, улардаги гўзал инсоний фазилатларни тарбиялаш, касб сир-асрорларидан огоҳ этишдек масъулиятли ишга астойдил бел боғлашган. Ўтган йилнинг ўзида жамоамиз вакиллари ўндан ортиқ тўйларга ҳомий сифатида ўз санъатлари билан файз киритишди. Бир қатор Меҳрибонлик, Қариялар уйларида концертлар, цирк томошалари ташкил этишди. Ўқувчиларимиз устозларидан нафақат билим, балки ўзбекона тарбия ҳам олишаяпти. Комиллик эса ана шу жамлиқдадир.

Ойбуви ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

Bugungi ekologik vaziyat tufayli sifatli suv topish tobora muammoga aylanayotgan bir sharoitda har qanday suvga yaxshi gaplarni aytib, so'ngra ichilsa, ta'mi o'zgarishi mumkin ekan. Chunki suvning tarkibi yaxshi so'z eshitsa, yaxshilanishi tadqiqotlarda aniqlangan.

Ma'rifat –
2010-yil 6-yanvar

Tabiat va biz

СУВ – ТИРИКЛИК

Қуйида ҳаёт манбаи ҳисобланадиган сув билан боғлиқ бир қатор қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз. Уларни таълим муассасаларида табиий фанларда турли мавзу ва дарсларни ўтишга татбиқ этиш, интерфаол усулларни янада бойитишига йўналтириш мумкин.

Японияслик таниқли олим Масару Эмото «Биз — сувмиз» деган эди. Дарҳақиқат, сув — инсон учун ҳаётбахш неъмат. Инсоннинг сувга бўлган эҳтиёжи, иқлим шароитига қараб, суткасига 3—6 литрни ташкил этиши барчамиз биладиган оддий ҳақиқатга айланиб улгурди. Унинг мавжудлиги табиат, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ҳам мавжудлигини таъминлайди. Шу боис, аждодларимиз серсув жойларда истиқомат қилишга, қудуқ, ариқлар қазишга ҳаракат қилишган. Мисол учун, ривоятларда айтилишича, Хива шаҳрининг барпо этилиши Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом томонидан бўлажак шаҳар ёнида қудуқ қаздириши билан боғлиқ экан. Ичанқалъада ҳозир ҳам қадимий Хейвақ (Хивак) қудуғи сақланиб қолган.

Буюк аждодимиз Амир Темур "Темур тузуклари"да ҳарб санъати тўғрисида фикр юритар экан, жанг майдонининг сувга (қудуқ ва сув ҳавзаларига) яқин бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Барчамизга маълумки, сув табиатда тинимсиз айланиб туради. У буғга айланади, булутлар туфайли ёғингарчилик юз беради, ёмғир ердан сизиб ўтиб ер ости сувларига қўшилиб оқади. Мазкур барча ҳаракатлар табиат қонунлари асосида кечади. Бутун ер шарининг тўртдан уч қисмини сув ташкил қилган бўлишига қарамасдан, инсоният сув тўғрисида ҳамон жуда кўп нарсани билмайди.

Кимдир бу фикрдан ҳайрон бўлиши мумкин. Чунки сув водород ва кислороддан иборат рангсиз, ҳидсиз суюқлик эканидан барчамиз хабардормиз. Лекин фақат шу билан тириклик манбаси борасидаги билимлар доирасини белгилаш у даражада тўғри эмасдек. Ҳозирда дунёнинг кўплаб олимлари сув, унинг таркиби ва ўзига хос хусусиятларини мунтазам равишда тадқиқ этиб келишига қарамай японияслик олим Масару Эмото изланишлари асосида шу пайтгача кўпчилик хабардор бўлмаган маълумотларни дунё аҳлига тақдим этди.

Кунчиқар мамлакат олимларидан бўлган Эмото бутунлай бошқача услубда, биз билган ва билмаган сувнинг кўп жиҳатларини очиб беришга қаратилган қатор тадқиқотларни ўтказган. 1943 йилда Иокогамада туғилган тадқиқотчи Иокогама университетида ижтимоий фанлардан таҳсил олган. Олим АҚШда сув микротузилмаси ва магнит-резонансли таҳлил технологияси билан қизиқиб қолади. Шундан сўнг у сув сир-синоатини очишга киришади.

Ўзининг «Сув қуввати» асарида эса махсус сув ёрдамида оёқларини даволаганини, бу усул бошқа дори воситалари беролмаган ёрдамни кўрсатганини ёзади. Профессор Эмото тадқиқотлар жараёнида музлаган сув кристаллари сувнинг хусусиятлари ва моҳиятини очиб беришини аниқлайди. Музлаган сувни ўрганишда эса дунёда қор парчаларининг бирортасига айнан ўхшаш иккинчиси топилмаслигини асос қилиб олади. Табиат асли шундай доно, бетакрор яратилган эканки, ҳеч бир қор парчаси бир-бирини такрорламайди. Тажрибалардан ҳозирда олтибурчак шаклига эга қор парчалари табиатда камайиб кетаётгани маълум бўлди. Бунга сабаб сувнинг табиийлиги ва сифати бузилиб кетаётганлигидир, дея изоҳлайди олим.

Тадқиқотлари аввалида дастлабки икки ой мобайнида муваффақиятсизликка учрасада, Эмото муз кристалларини ўрганиш фикридан қайтмай, ўз фикрида собит туради. Унинг ёрдамчиси микроскопда муз парчаларини суратга тушириши керак эди. Лекин етарлича шароит яратилмагани боис, илк уринишлар натижа бермайди. Охир-оқибат олим ва унинг ёрдамчиси муз парчаларини суратга туширишга муваффақ бўлишади. Кутилганидек, ҳар бир муз кристали ўзига хос шаклда эди. Шундан сўнг тадқиқотчи сувнинг турли ҳолатини суратга олиш ишларига берилиб кетади. У ёмғир суви, қувурлардан узатиладиган сув, минерал ва дистирланган сувларни текширувдан ўтказади.

Қизиқ томони шундаки, табиий сув музлаганда чиройли шакл ҳосил қилар экан, қувурлардаги сув эса тушунарсиз шаклларда намоён бўлади. Олим даставвал юртидаги сувларни, кейин дунёнинг турли бурчакларидан келтирилганларини суратга олади. Таркибида хлор моддаси нисбатан кўп бўлган сув шаклсиз, табиийлиги бузилган, ичишга яроқсиз эканлиги суратлардан маълум бўларди.

Навбатдаги босқичда мутахассис мусиқа садолари остида сувни музлатади. Бетховен, Шопен каби мумтоз мусиқашунослар куйлари остида музлаган сув олти бурчакли кристал шаклни ҳосил қилган бўлса, рок мусиқаси қўйилганда тартибсиз шаклдаги кристаллар пайдо бўлади.

Кейинги тадқиқотларда сувнинг маълум кайфиятни «акс эттириш» хусусияти ўрганиб чиқилди. У иккита идишга сув солиб уларга кўринадиган қилиб бирига «раҳмат», бирига «сен аҳмоқсан» сўзларини ёпиштириб қўйди. Умид қилинганидек, сув уларни «ўқиди» ва ўз муносабатини «изҳор қилди». «Раҳмат» сўзи ёпиштирилган сув жуда гўзал шаклга кирди. "Сен аҳмоқсан" ёзувини «кўриб» турган сув эса хунук тус олган эди. Халқимизда «Ёмон туш кўрсанг, сувга айт» деган ақида бежизга эмас, шекилли.

Шундай қилиб, Эмото «сувнинг ҳамма тилларни тушуниши»ни ҳам исботлади. Сувлар турли тиллардаги сўзларга ҳам «ўз муносабатини билдирди». Уларнинг ичида энг чиройлиси «Муҳаббат» ва «Эҳтиром»га сазовор бўлган сувлар эди. Тадқиқотларда «Нафрат» ва «Эҳтиром», «Ғазаб» ва «Самимият», «Қўрқув» ва «Дадиллик» каби сўзларнинг ҳам сувга таъсири ўрганиб чиқилди. Масару Эмото барча тадқиқотлари натижаларини 1999 йилда «Сувнома» асари орқали чоп этди. Шунгача ҳам унинг илмий ижодига қизиқувчилар дунёнинг турли бурчакларида кўпайиб қолган ва уни маъруза ўқишга таклиф қилишар эди.

«Сувнома»нинг давоми сифатида «Сув қуввати» китоби дунё юзини кўрди. Сабаби, олим гомеопатияга ҳам қизиқиб қолди. Аслида бу соҳага XIX асрда Германияда Самуэль Ханеман (1791-1843) асос солган бўлса, фаннинг асл илдизлари Гиппократ изланишларига бориб тақалади. Гомеопатия бу «заҳарни заҳар билан кесиш» демакдир. Эмото бунга ўз асарида қуйидаги мисолни келтиради: "Қўрғошин билан заҳарланган кишига қўрғошиннинг сувдаги эритмасини бериш керак. Аслида сувни текширганда унинг таркибида қўрғошин бўлмайди. Сув унинг хоссаларини «хотира»сида сақлаб қолади».

Бошқача қилиб айтганда, сув атроф-муҳитнинг турли хосса, хусусиятлари ва кайфиятини ҳам «ўзлаштиради». Шунингдек, унга мулоқот таъсир кўрсатади. Шундай экан, бугунги экологик вазият туфайли сифатли сув топиш тобора муаммога айланаётган бир шароитда ҳар қандай сувга яхши гапларни айтиб, сўнгра ичилса, таъми ўзгариши мумкин экан. Чунки сувнинг таркиби яхши сўз эшитса, яхшиланиши тадқиқотларда аниқланган.

Яна Эмотонинг келтиришича, ҳар бир тирик организмнинг асосий қисмини сув эгаллайди. Ҳомиланинг 99, янги туғилган чақалоқ организмининг 90, ўрта ёшдаги инсоннинг 70, кексалар танасининг 50 фоизи сувдан иборат экан. "Биз сувмиз, — дейди тадқиқотчи. — Мулоқот вақтида ҳам товуш сувга аталган бўлади...

Сувдаги тириклик аломатлари оқаётган сувнинг ҳаракатдалиги, тириклиги, софлилиги билан боғлиқ бўлса, оқишдан тўхтаган сувнинг айниб қолишини ҳаракатсизлик билан изоҳлайди. Наҳотки, ҳаракатдан тўхтаган сув Масару Эмотонинг таъбири билан айтганда «ўлади»?

Бироқ бугун Эмотонинг «хадо суви» (ижобий зарядлар билан зарядланган суви) касалликларни даволашда самарали қўлланиб келинмоқда. Қолаверса, шифокорлар ҳам беморларга кўп сув ичишни маслаҳат беришади. Яна даволашнинг гидротерапия тури ҳам бор. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида шундай дейилади: «Сув билан даволаш (гидротерапия) — даволаш, гигиена ва профилактика мақсадида сувдан фойдаланиш. Бу муолажа қадимдан маълум. XIX асрга келиб илмий жиҳатдан асослаб берилган. Сув билан даволаш муолажалари душ, ванналар, ювиниш, баданни ҳўл сочиқ билан артиш, бошдан сув қуйиш, ҳўл чойшабга ўралиб ётишдан иборат».

Ана шундай хусусиятларга эга бўлган сув Ерда қандай пайдо бўлгани тўғрисида ҳали ҳам тўла хулосаларга келинмаган. 4,6 млрд. йил олдин Ерда сув буғга айланиб учган ва булутга айланиб, ундан тинимсиз ёмғир ёғиб, сайёрамиздаги океанлар ҳосил бўлган. "Сувнома"да келтирилишича, Айова университетининг олими Луис Франк сув очиқ самодан муз бўлаклари шаклида Ерга тушган, деган фикрни илгари суради. 3,8 млрд. йил олдин океанда ҳаётнинг илк белгилари пайдо бўлганини ҳисобга олсак, инсоният умри сувнинг олдида арзимаган вақтдир. Эътиборлиси, сув ҳар қандай ахборотни ёзиб олиш ва хотирасида сақлаш имконига эга экан.

Сув эритувчи сифатида ҳам жуда кўп хусусиятларга эга. Унинг бу вазифасини бошқа бирор бирикма бажара олмайди. Шунинг учун ҳам унга Масару Эмото қуйидаги таърифларни беради: "Сув илоҳий неъмат, боқий оламнинг Ердаги мўъжизасидир".

Яна бир қизиқарли жиҳат шундаки, денгизлар музласа ҳам, денгиз тагида ҳарорат -4 даражадан пастга тушмайди. Бу ҳам сув. Қолаверса, заминнинг сув ости жонзотларига бераётган ўзига хос имкониятидир. Демакки, сув ҳаёт курашчиси, тириклик нишонасидир.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири





Tana hujayralari yangi manbalarining topilishi to'rtinchi, inson miyasidagi signallar orqali protezlarni boshqarish imkoniyatining yaratilishi beshinchi o'rinni o'ldi.

АЛЬПДА ФОЖЕА

Швейцария ҳудудидаги Альп тоғларида кузатилган қор кўчиши оқибатида камида беш киши ҳаётдан кўз юмган, яна уч киши бедарак йўқолган, деб хабар берди АФП.

Бахтсиз воқеа Берн кантон(ҳудудий бўлинма)сида рўй берган. Айни пайтда шифокорлар, қутқарувчилар ва саккизта вертолёт қидирув ишларига жалб этилган. Тоғликда ҳали ҳам қор кўчиш хавфи борлиги маълум қилинган.

ҚОР МУАММОЛАРИ

Хитой шимолида кучли қор ёғиши оқибатида Пекин шаҳрида транспорт воситаларининг ҳаракатланишида жиддий муаммолар пайдо бўлди, деб хабар тарқатди "Чайна Дейли".

Ҳозирда 300 мингга яқин йўл хизмати ходимлари кўчаларни тозалашга жалб этилган. Етти мингдан ортиқ полициячи ва беш минг нафар кўнгилли йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан банд.

Пойтахт аэропортида учта учишқўниш йўлагининг фақатгина биттасидан фойдаланиляпти. Ноқулай шароит туфайли рейсларнинг 90 фоизи бекор қилинган. Бундан ташқари, шу ҳудуддаги автомобиль магистраллари вақтинчалик ёпилган. Шунга қарамай, темир йўл одатий тартибда фаолият юритмоқда. Бу ҳақда маҳаллий ҳокимият вакиллари хабар бердилар.

Об-ҳавонинг кескин совиб кетиши туфайли Пекин ва Тяньцзин шаҳарларидаги мактабларда дарслар тўхтатилган бўлса, деярли 2,2 млн. нафар ўқувчи вақтини уйида ўтказишга мажбур.

ДЕВОР АСРАБ ҚОЛДИ

Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида "Интерсити" поезд вагонларидан бири тормоз ишламагани учун "Холидей Инн" меҳмонхонасига бориб урилган, деб хабар берди "Вай-Эл-Ий" манбаси. Одамларнинг бахтига, ҳеч ким жиддий жароҳат олмади.

Воқеа манёвр(поезд тузиш учун паровоз ва вагонлар ҳаракати) пайтида рўй берган. Икки қаватли ва 70 тонна вазнга эга бўлган вагон сафдан чиқиб кетиб, ҳаракатда давом этган. Жиддий талофатларнинг олдини олиш учун "қочоқ" вагон йўналиши охирида бетон девор бўлган 13-рақамли темир йўл станциясига ўзгартириб юборилган. Аммо, тўсиқ ҳам уни тўхтата олмаган.

Меҳмонхонадагиларнинг ҳеч бири жабр кўрмаган, аммо иншоотга зарар етган.

7,6 МЛРД. ДОЛЛАРЛИК ЗАРАР "АРАФАСИ"ДА

Японияниг "Жэй-Эй-Эл" авиакомпанияси инқирозга учраса, унга кредит берган банклар 700 млрд. иен(7,6 млрд. доллар) зарар кўради, деб хабар тарқатди АФП.

Осиё ҳудудидаги энг йирик авиаташкилот айни пайтда мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган бўлиб, у банкротлик ҳолатини шу йил 22 январдан эълон қилиши мумкин.

Ўтган йил сентябрь ойида "Жэй-Эй-Эл" қаторасига тўртинчи мавсумни зарар билан якунлаш арафасида турганини маълум қилган ва 6800 нафар ходимини ишдан бўшатганди.

Унга 1951 йилда асос солинган бўлиб, 200га яқин самолётлари юздан ортиқ йўналишларга қатнар эди.

10 ФОИЗГА КАМАЙДИ

2009 йил якунларига кўра, дунё бўйича умумий қиймати 101 млрд. долларга тенг 205 млн.та телевизор сотилган. Бу 2008 йилга нисбатан 10 фоиз камдир. Ўшанда 112 млрд. долларлик маҳсулот харид қилинганди, деб ёзади "ТехКранч" манбаси.

Қурилмаларнинг 69 фоизи суюқ кристал экранли телевизорлар ҳиссасига тўғри келди. Мутахассисларнинг фикрича, яқинда бошланган навбатдаги 365 кунликда мазкур кўрсаткич 78 фоизга етиши мумкин.

2008 йилда электрон нурли трубкага эга бўлган телевизорларга бўлган талаб юқори эди. "Дисплей Серч" компанияси тадқиқотчиларининг фикрига кўра, 2010 йилда 218 млрд. дона телевизор ўз эгасини топиш эҳтимоли бор.

ХОМАКИСИ ЯРАТИЛДИ

Геофизиклар "Жи-О-Си-Ий" космик аппарати ёрдамида қўлга киритилган маълумотлар орқали Ер гравитацияси харитасининг хомаки вариантини яратишга муваффақ бўлдилар, деб хабар берди "Би-би-си Ньюс".

Сайёрамизнинг бир ҳудудидаги гравитацион тортишиш бошқа жойга нисбатан кескин фарқ қилиши мумкин. Бундай тафовут харитада қизил ва кўк рангларда ифодаланди.

"Жи-О-Си-Ий" ёрдамида узоқ вақтдан бери Ер гравитацияси ўрганиб келинляпти. У Ер шарининг аниқ шаклини аниқлашда кўмак бермоқда.

ЭНГ КАТТА ҚУМ-РАСМ

Океан ортилик ландшафт рассоми Жим Деневан дунёдаги энг катта расмни яратди, деб хабар берди "Дейли Телеграф" нашри. У уч нафар ёрдамчиси билан Невада штатидаги Блэк-Рок чўлида Апполон халқаларини чизишга эришди.

Энг катта айлана диаметри 14,5 км. бўлиб, 12 км. баландликдан ҳам кўзга ташланади. Айрим чизиқларнинг кенглиги 8,5 метр, чуқурлиги эса бир метрдан ошади. Мазкур санъат намунасини оммага тақдим этиш учун рассомлар 15 кун сарфладилар.

Деневан ўз ишида аниқликка эришиш учун "Жи-пи-эс" технологиясидан фойдаланди. Бундай чизмаларни яқин келажакда Марсда ҳам тасвирлашни дилига туккан муаллиф бу ҳақида шундай деди: «Яқин кунлар ичида сайёраларо биринчи асарни яратиш ниятидаман».

У қум устида картина ишлаш билан 17 йилдан бери шуғулланиб келяпти ва шу давр мобайнида 600дан ортиқ дурдона асар яратган.

75 ДОЛЛАРЛИК НОУТБУКЛАР

"Ҳар бир болага ноутбук" халқаро дастури доирасидаги навбатдаги арзон ноутбукларнинг учинчи авлоди яратилди. 75 долларлик қурилмаларни бошқача қилиб планшет шаклидаги сув ўтказмайдиган пластик компьютер дейиш мумкин, деб ёзди "Форбс" манбаси.



Сенсор экранли, 8-ядрога эга бўлган гигагерцли процессор ўрнатилган ноутбук 2012 йилдан оммавий тарзда ишлаб чиқарилади.

Унинг асосчиси Николас Негропонте "Икс О-3" экранининг катталиги 216,75 X280,5 мм.га тенг экани, у бир ватт.дан кўп қувват талаб қилмаслиги ҳақида айтиб ўтди.

Унинг биринчи авлодини ҳозирда 172 долларга сотиб олиш мумкин. Шу ой охирларига келиб, "Икс О-1" янада такомиллаштирилиб, сотувга чиқарилиши режалаштирилган.

ЎН ЙИЛЛИК ЎНТАЛИГИ

Таниқли илмий-оммабоп журнал "Дискавери" таҳририяти охирги ўн йилликнинг асосий кашфиётлари рўйхатини эълон қилди.

Биринчи ўринга музликларнинг эриб бораётгани ҳақиқий далиллар билан исботлангани лойиқ кўрилди. Унда ҳароратнинг ошиши, океанлар сатҳининг ошиши ва музликлар майдонининг қисқариши глобал исиш жараёнини тезлаштириб юбораётгани айтиб ўтилган.

Иккинчи ўриндан "Инсон гени" лойиҳаси доирасида «Homo sapiens» ДНКси таркибини тўлиқ аниқлаш тажрибаси жой олган бўлса, учинчи ўрин Марс тупроғида сув қолдиқлари борлигини кўрсатган кузатувга берилди. Эсингизда бўлса, ушбу сайёра яқинидан учиб ўтган "Феникс" қурилмаси у ердан музлаб қолган H_2Oни топганди.

Тана ҳужайралари янги манбаларининг топилиши тўртинчи, инсон миясидаги сигналлар орқали протезларни бошқариш имкониятининг яратилиши бешинчи ўринни олди. Экзопланеталарни суратга олишга муваффақ бўлган астрономлар олтинчи ўрин эгасига айландилар. Шунингдек, рўйхатдан динозавр суяк қолдиқларида коллаген моддасининг қўлга киритилиши, Қуёш атрофида айланиб юрувчи митти сайёралар — Эридаларнинг топилиши ҳам жой олган.

ЭНГ КЕКСА ТИРИК ОРГАНИЗМЛАР

Тадқиқотчилар ёши 30 минг йилга яқин бўлган тирик организмлар — архейларни топдилар. Улар шу вақт давомида туз кристаллари ичида яшагани маълум бўлди, деб ёзди "Геология" манбаси.

Улар Калифорния штатидаги «Ўлим водийси»да учрайдиган туз таркибидан топилган. Шўр модда ичида бегона майда суюқлик қисмлари бир ҳужайрали организмлар колонияси экани аниқланган.

Тахминларга кўра, топилма шу пайтгача тузга ёпишиб қолган сув ўтлари қолдиқлари билан озиқланиб келган. "Уларга "қорин тўйғазиш" унчалик катта муаммо эмас. Озуқа захираси архейларнинг яна 12 млн. йил яшаши учун бемалол етарди", деб ёзди журнал.

Бундан олдин 250 млн. йиллик тирик микроорганизмлар қўлга киритилгани ҳақида маълумотлар тарқатилганди. Аммо бу каби ахборот ҳали ҳам баҳсларга сабаб бўляпти.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, «Ўлим водийси»даги шўр кўллар охирги ўн минг йил ичида пайдо бўлган ва шунинг учун ҳам юқоридаги янгиликка ишониш қийин.

Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.

1-Тошкент педагогика коллежи томонидан 2007 йилда Талипова Умида Юлдашевна номига берилган К 068421 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Улуғмурот Эрназаровга онаси

МАЛИКА АЯнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, «Ўзбек тили ва адабиёти» факультети жамоаси «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори Сафо Матчоновга онаси

ЭНАЖОН АЯнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежи жамоаси коллеж раҳбари Филиппидис Георгий Михайловичга онаси

ФИЛИППИДУ ИРИНА КРИЯКОВНАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

2010—2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1,2,3-синф ўқувчилари учун чоп этилиши режалаштирилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан нашриётлар ўртасида ўтказилган 1-MRT-2010/1-рақамли Тендер савдоси ғолиблари рўйхати

Пакет №	Қўлланма номи	Тили	Синфи	Адади	Ғолиб нашриёт номи
2	Букварь	рус	1	47 797	«Ўзбекистон» НМИУ
3	Алифбе	қорақалпоқ	1	9 411	«Шарқ» НМАК
4	Алифбе	қозоқ	1	7 768	«Ўзбекистон» НМИУ
5	Алифбе	қирғиз	1	997	«Шарқ» НМАК
6	Алифбе	тожик	1	8 814	«Ўзбекистон» НМИУ
7	Алифбе	туркман	1	1 082	«Ўзбекистон» НМИУ
9	Пропись	рус	1	47 797	«Ўзбекистон» НМИУ
10	Ёзув дафтари	қорақалпоқ	1	9 411	«Шарқ» НМАК
11	Ёзув дафтари	қозоқ	1	7 768	«Ўзбекистон» НМИУ
12	Ёзув дафтари	қирғиз	1	997	«Ўзбекистон» НМИУ
13	Ёзув дафтари	тожик	1	8 814	«Ўзбекистон» НМИУ
14	Ёзув дафтари	туркман	1	1 082	«Ўзбекистон» НМИУ
15	Она тили	ўзбек	1	420 002	«Шарқ» НМАК
16	Русский язык	рус	1	47 797	«Ўзбекистон» НМИУ
17	Она тили (Ana tili)	қорақалпоқ	1	9 411	«Шарқ» НМАК
18	Она тили ва ўқиш китоби (Ана тілі жкне оқу кітабы)	қозоқ	1	7 768	«Ўзбекистон» НМИУ
19	Она тили ва ўқиш китоби (Эне тили жана окуу китеби)	қирғиз	1	997	«Ўзбекистон» НМИУ
20	Она тили ва ўқиш китоби (Забони модари ва китоби хониш)	тожик	1	8 814	«Ўзбекистон» НМИУ
21	Она тили ва ўқиш китоби (Ene dili we okuw kitaby)	туркман	1	1 082	«Ўзбекистон» НМИУ
22	Ўқиш китоби	ўзбек	1	420 002	«Шарқ» НМАК
23	Книга для чтения	рус	1	47 797	«Ўзбекистон» НМИУ
24	Ўқиш китоби (Oqiw kitabı)	қорақалпоқ	1	9 411	«Шарқ» НМАК
25	Математика	ўзбек	1	420 002	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		рус		47 797	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қозоқ		7 768	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		тожик		8 814	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қирғиз		997	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		туркман		1 082	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қорақалпоқ		9 411	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
26	Математика дафтари	ўзбек	1	420 002	«TURON-IQBOL» МЧЖ
		рус		47 797	«TURON-IQBOL» МЧЖ
		қозоқ		7 768	«TURON-IQBOL» МЧЖ
		тожик		8 814	«TURON-IQBOL» МЧЖ
		қирғиз		997	«TURON-IQBOL» МЧЖ
		туркман		1 082	«TURON-IQBOL» МЧЖ
		қорақалпоқ		9 411	«TURON-IQBOL» МЧЖ
27	Атрофимиздаги олам	ўзбек	1	420 002	Чўлпон номидаги НМИУ
		рус		47 797	Чўлпон номидаги НМИУ
		қозоқ		7 768	Чўлпон номидаги НМИУ
		тожик		8 814	Чўлпон номидаги НМИУ
		қирғиз		997	Чўлпон номидаги НМИУ
		туркман		1 082	Чўлпон номидаги НМИУ
		қорақалпоқ		9 411	Чўлпон номидаги НМИУ
28	Азбука этики	рус	1	47 797	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
29	Одобнома	ўзбек	1	420 002	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қозоқ		7 768	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		тожик		8 814	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қирғиз		997	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		туркман		1 082	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қорақалпоқ		9 411	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
30	Мусиқа	ўзбек	1	420 002	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		рус		47 797	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		қозоқ		7 768	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		тожик		8 814	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		қирғиз		997	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		қорақалпоқ		9 411	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		туркман		1 082	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
31	Тасвирий санъат	ўзбек	1	420 002	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		рус		47 797	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		қозоқ		7 768	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		тожик		8 814	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		қирғиз		997	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		туркман		1 082	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		қорақалпоқ		9 411	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
32	Жисмоний тарбия	ўзбек	1	420 002	«Маънавият» нашриёти
		рус		47 797	«Маънавият» нашриёти
		қозоқ		7 768	«Маънавият» нашриёти
		тожик		8 814	«Маънавият» нашриёти
		қирғиз		997	«Маънавият» нашриёти
		туркман		1 082	«Маънавият» нашриёти
		қорақалпоқ		9 411	«Маънавият» нашриёти
34	Русский язык	рус	2	50 194	«Ўзбекистон» НМИУ
40	Ўқиш китоби	ўзбек	2	425 267	«Ўқитувчи» НМИУ
41	Книга для чтения	рус	2	50 194	«Ўқитувчи» НМИУ
48	Ўзбек тили	рус	2	50 194	«Ўзбекистон» НМИУ
		қозоқ		7 384	«Ўзбекистон» НМИУ
		тожик		8 058	«Ўзбекистон» НМИУ
		қирғиз		1 093	«Ўзбекистон» НМИУ
		туркман		1 073	«Ўзбекистон» НМИУ
		қорақалпоқ		9 587	«Ўзбекистон» НМИУ
49	Математика	ўзбек	2	425 267	«Ўқитувчи» НМИУ
		рус		50 194	«Ўқитувчи» НМИУ
		қозоқ		7 384	«Ўқитувчи» НМИУ
		тожик		8 058	«Ўқитувчи» НМИУ
		қирғиз		1 093	«Ўқитувчи» НМИУ
		туркман		1 073	«Ўқитувчи» НМИУ
		қорақалпоқ		9 587	«Ўқитувчи» НМИУ
50	Атрофимиздаги олам	ўзбек	2	425 267	Чўлпон номидаги НМИУ
		рус		50 194	Чўлпон номидаги НМИУ
		қозоқ		7 384	Чўлпон номидаги НМИУ
		тожик		8 058	Чўлпон номидаги НМИУ
		қирғиз		1 093	Чўлпон номидаги НМИУ
		туркман		1 073	Чўлпон номидаги НМИУ
		қорақалпоқ		9 587	Чўлпон номидаги НМИУ
51	Одобнома	ўзбек	2	425 267	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қозоқ		7 384	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		тожик		8 058	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қирғиз		1 093	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		туркман		1 073	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қорақалпоқ		9 587	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
52	Азбука этики	рус	2	50 194	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
55	Жисмоний тарбия	ўзбек	2	425 267	«Шарқ» НМАК
		рус		50 194	«Шарқ» НМАК
		қозоқ		7 384	«Шарқ» НМАК
		тожик		8 058	«Шарқ» НМАК
		қирғиз		1 093	«Шарқ» НМАК
		туркман		1 073	«Шарқ» НМАК
		қорақалпоқ		9 587	«Шарқ» НМАК
56	Она тили	ўзбек	3	420 385	«Ўқитувчи» НМИУ
63	Ўқиш китоби	ўзбек	3	420 385	Чўлпон номидаги НМИУ
72	Табиатшунослик	ўзбек	3	420 385	Чўлпон номидаги НМИУ
		рус		48 011	Чўлпон номидаги НМИУ
		қозоқ		7 447	Чўлпон номидаги НМИУ
		тожик		8 104	Чўлпон номидаги НМИУ
		қирғиз		1 049	Чўлпон номидаги НМИУ
		туркман		1 019	Чўлпон номидаги НМИУ
		қорақалпоқ		9 855	Чўлпон номидаги НМИУ
73	Одобнома	ўзбек	3	420 385	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қозоқ		7 447	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		тожик		8 104	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қирғиз		1 049	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		туркман		1 019	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
		қорақалпоқ		9 855	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ДИН
74	Азбука этики	рус	3	48 011	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
75	Тасвирий санъат	ўзбек	3	420 385	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
		рус		48 011	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
		қозоқ		7 447	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
		тожик		8 104	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
		қирғиз		1 049	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
		туркман		1 019	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
		қорақалпоқ		9 855	«Янгийўл полиграф сервис» МЧЖ
77	Жисмоний тарбия	ўзбек	3	420 385	«Ўқитувчи» НМИУ
		рус		48 011	«Ўқитувчи» НМИУ
		қозоқ		7 447	«Ўқитувчи» НМИУ
		тожик		8 104	«Ўқитувчи» НМИУ
		қирғиз		1 049	«Ўқитувчи» НМИУ
		туркман		1 019	«Ўқитувчи» НМИУ
		қорақалпоқ		9 855	«Ўқитувчи» НМИУ

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ёшларимизнинг ҳар томонлама мукаммал ўсишида спортнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки, 2011 йилдаги «Баркамол авлод» спорт мусобақасининг республика босқичи Термиз шаҳрида бўлиб ўтади. Унга сурхондарёликларнинг тайёргарликни бошлаб юборганлиги диққатга сазовор.

Айни кунларда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли 108та ўқув муассасасида мусобақанинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Уларда 54356 нафар ўғил-қиз иштирок этиб, маҳоратларини синаб кўриш имкониятига эришдилар. Саралланган иқтидорли ўқувчилар 15та спорт тури бўйича академик лицей ва коллежларда тажрибали мураббийлар раҳбарлигида машғулотларни бошлаб юборишган. Бунда, айниқса, Денов педагогика ва тиббиёт, Шўрчи агросаноат ва иқтисод, Ангор педагогика, маиший хизмат, Термиз шаҳридаги Олимпия захиралари, тиббиёт коллежлари жамоаларида амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ.

Хуллас, Алпомиш ва Барчиной юрти паҳлавонлари катта тадбирга пухта ҳозирлик кўриш билан бирга фахрли ўринларни эгаллашга маҳкам бел боғлаганлар.

Норқувват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

БЎШ ВАҚТИНГНИ БЕКОР ЎТКАЗМА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда ўқувчиларнинг қишки таътил кунларини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ўзига хос спорт ҳафталиги ташкил этилди. Унда мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан иборат футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка жамоалари ўзаро беллашишмоқда.

— Жорий йил бежизга "Баркамол авлод йили" деб аталмади. Унинг моҳиятини, мазмунини чуқур идрок этиб, йил бошиданоқ махсус режа-дастуримиз асосида ишга киришиб кетдик, — деди мактаб раҳбари Салима Шаропова. — Болаларимиз қишки таътилда бўш вақтларини турли интернет-клубларида ва бошқа енгил-елпи кўнгилочар маконларда ўтказмасликларини таъминлаш, аксинча, ҳам жисмонан, ҳам маънан наф берувчи спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ғолибларни рағбатлантириш асосий мақсадимиздир.

Мазкур спорт фестивали 4—8 январь кунлари орасида ўз ғолиб ва совриндорларини аниқлайди. Туман ХТБ, БСРЖ, туман ҳокимлиги томонидан ташкиллаштирилаётган тадбир бошқа таълим муассасаларига ҳам ўрнак бўлса, ажаб эмас.

МУХБИРИМИЗ
Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Qishloqdan chiqqan chempion

МАҚСАДИ УЛУҒ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Яқинда кураш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган спортчилар ўз кучларини синовдан ўтказиш имконига эга бўлдилар.



Бухоро вилояти Жондор туманидан Нурали Абдуллаев ҳам беллашувларда ўз истеъдодини намойиш этди. Биринчи устози Бахтиёр Содиқовнинг айтишига қараганда, Нурали ёшлигидан жуда иродали бўлиб, ютуқларга тинимсиз меҳнати орқасидан эришди. Кўплаб мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётган қаҳрамонимиз Ўзбекистон кубоги баҳсларида 60 кг. вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритиб, 1-даражали диплом ва медаль билан тақдирланди. Ёш полвон бу сафар ҳам устозлари Барно Жўраев, Бахтиёр Содиқов, Ғайбулла Насруллаевнинг ишончини оқлади.

Спортчининг келгусидаги мақсади — жаҳон чемпионатларида қатнашиб, юртимиз шаънини янада кўкларга кўтариш. Биз ҳам бу тилакларга қўшилган ҳолда спортчига омад тилаб қоламиз.

Шаҳрибону ИМОМОВА

Sport darvozasi

КЕРАКЛИ ВАҚТДА КЕРАКСИЗ ЖАРОҲАТ

Хоккей бўйича Беларусь терма жамоаси етакчиси Михаил Грабовский кутилмаганда оғир жароҳат олди, деб ёзди ҳозирда фаолиятини давом эттираётган клуби — «Торонто Мейпл Лифс» интернет сайтида.

Эндигина 25 ёшни қаршилаган Грабовский қўлини синдириб олди. Айни керакли вақтда сафдан чиқишга мажбур бўлган хоккейчининг жароҳати битиши учун камида бир ярим ой керак. Бу, унинг яқинда старт оладиган қишки Олимпиадани ҳам ўтказиб юбориши эҳтимолга жуда яқин, деганидир. Мазкур қишки олимпия ўйинларининг Ванкувер шаҳрида 12—28 февралда бўлиб ўтишидан хабардорсиз. Грабовский 2 январь куни Миллий хоккей лигасининг навбатдаги турида «Калгари Флеймс» клубига қарши ўйинда шу кўйга тушганди.

Маълумот учун айтишимиз мумкинки, 2009—2010 мавсумда Грабовский 35та матчда қатнашди ва 25 очко жамғарди. "Олимпиада — 2010"да белоруслар "С" гуруҳидан ўрин олган. Рақиблари Швеция, Финляндия ва Германия жамоаларидир.

УЮШТИРИЛГАНМИДИ ЁКИ?..

WBO таснифи бўйича собиқ жаҳон чемпиони, боксчи Шеннон Бриггс тақиқланган моддаларни истеъмол қилганлиги учун 90 кунга ринг атрофига ҳам яқинлаштирилмаслиги ҳақида "ҳукм ўқилди", дея хабар тарқатди "ESPN".

Бу воқелик ўтган йилнинг 3 декабрь кунида маълум бўлганди. У ўшанда рақиби Маркус МакГини биринчи раунддаёқ нокаутга учратганди. Жангдан кейинги ўтказилган допинг-текшируви Шеннонинг чиндан ҳам допинг моддаси истеъмол қилганлигини кўрсатди. МакГи билан ўтказилган жанг натижаси эса бекор қилинди.

Эсингизда бўлса, 38 ёшли Бриггс 2007 йили россиялик чарм қўлқоп соҳиби Султон Ибрагимовга ютқазгач, карьерасини тугатишга аҳд қилганди. Боксчининг менежери Ивайло Готцев эса: "У гиёҳванд эмас, шунчаки даволанаётганди. Биз ҳар бир дорини қабул қилишдан олдин шифокор рухсатини оламиз. Назаримда, бу уюштирилган тузоқ бўлса керак", — дея шогирдини оқлашга уринган.

ЗЎРЛАР ИЧРА ЗЎРЛАР КЎП

Спорт журналистлари ассоциацияси — AIPS ҳар йили анъанавий тарзда йилнинг энг яхши спортчисини аниқлайди.

Россиялик енгил атлетикачи Елена Исинбаева қаторасига иккинчи марта йилнинг энг яхши аёл спортчиси, деб топилди. Ямайкалик спринтер Ҳусайн Болт ҳам иккинчи бор энг яхши эркак спортчи сифатида эътироф этилди. Аёллар ўртасида кучли учликни хорватиялик енгил атлетикачи Бланка Власич ҳамда америкалик теннисчи Серена Уильямс тўлдирган. Эркаклар ўртасида эса аргентиналик футболчи Лионель Месси 15,99 фоиз овоз тўплаб, иккинчи ўринга лойиқ топилди.

«МЮ» — "ЎТИШ ДАВРИ"ДА(МИ?)

Футбол бўйича Англия кубоги баҳслари премьер лигадан кейинги энг нуфузли турнир ҳисобланади. Мазкур мусобақанинг аутсайдери сифатида тахмин қилинаётган «Лидс Юнайтед» жамоаси 1/32 финал учрашувида сенсация содир этди.

Инглизларнинг энг буюк жамоаларидан бири — мамлакат кубогининг 11 карра соҳиби «Манчестер Юнайтед» клубини "Лидс" футболчилари 1:0 ҳисобида доғда қолдирди. "AFP"да ёзилишича, ўйин тақдирини 19-дақиқада Жермейн Бэкфорд киритган ягона гол ҳал қилди. Сэр Алекс Фергюсон "қизил иблислар"га устозлик қилган йиллардан буён бирор маротаба ҳам бундай ноқулай аҳволга тушмаган, "Лидс" жамоаси ҳам 1981 йилдан буён «Олд Траффорд»да ғалаба қозониш нималигини билмай келаётганди.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.
INDEKS: 149, 150. G-23. Tiraji 45514. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Mahmuda VALIYEVA.
Navbatchi: Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz
TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA va Malohat TOSHEVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00
ЎзА якуни — 21.00















ТАШКИЛОТЛАР, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Илму фан, маърифату маданият асрлар давомида инсоният йўлини ёритиб келаётган сўнмас машъалдир. У бугунги кунда янада порлаб, ўзгача нур ва ўзгача мазмун касб этиб келмоқда. Тарих зарварақлари қатида яшириниб ётган миллий қадриятларимиз, ноёб қўлёзма асарларимиз, қадимий ёдгорликларимиз қайта жонланиб, сайқал топмоқда. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бу соҳадаги ярим асрдан кўпроқ фаолияти давомида жуда кўплаб ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини нашр этиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этди. Биргина 2009 йилда "Замонавий ўзбек насри", "Замонавий ўзбек шеърияти", "Чин муҳаббат қиссалари", "Жаҳон адабиёти жавоҳирлари", "Ўзбек детективи", "Болалар кутубхонаси" каби кўплаб рукнлар остида юзга яқин бадиий, тарихий, илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий адабиётларни, умумтаълим мактаблари, лицей-коллежлар учун дарслик ва ўқув қўлланмаларини босмадан чиқарди.

Ижодий уй 2010 йилда ҳам ушбу анъанани давом эттирган ҳолда, бадиий ва ўқув адабиётлари, альбомлар, газеталар, журналлар, буклетлар, этикеткалар, плакатлар, блокнотлар, тақвимлар, афишалар, папкалар, офис учун қоғозлар ва яна Сиз истаган барча матбаа маҳсулотларини чоп этади ҳамда ушбу матбаа нашрларига буюртмалар қабул қилади.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишга тайёр!

Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй.
Телефонлар: (8-371) 241-35-47, 241-25-24, 241-48-67.
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz Web: www.iptdgulom.uz

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси барчангизни янги йил билан қутлайди!